

Шри Шримад
А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада

Кришнага эришиш йўли

Москва - 1997
Бхактиведанта Бук Траст

ISBN 91-7149-370-0

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада

На пути к Кришне

Перевод на узбекский
(Для исследовательской работы)
На правах рукописи

Кришнага эришиш йўли

Ҳар бир инсон ҳаётда бахтга интилиб яшайди, лекин аслида биз ҳатто ҳақиқий бахт ўзи нима эканини ҳам билмаймиз. Ҳамма бахт ҳақида гапиради, лекин ҳаётда ҳақиқатан ҳам бахтли яшаётган инсон жуда кам учрайди, чунки ҳақиқий бахтни бу ердан, ҳамма нарса ўткинчи, алдамчи бўлган бу дунёдан топиб бўлмаслигини камдан-кам одам билади. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да дўсти Аржунга айнан ана шундай ҳақиқий бахт ҳақида гапириб беради.

Одатда биз бахтни, лаззатни сезги аъзоларимиз ёрдамида ҳис қиламиз. Масалан, тошнинг сезги аъзолари йўқ, шунинг учун у бахт ёки мусибат нима эканини билмайди. Онги ривожланган тирик мавжудотларга нисбатан онги кам ривожланган, онги паст тирик мавжудотлар бахт ва мусибат деган туйғуларни камроқ ҳис қиладилар. Масалан, дарахтларнинг ҳам онги бор, лекин уларнинг онги жуда паст даражада. Мусибат нималигини сезиш қобилятидан махрум бўлгани сабабли улар ҳар қандай об-ҳаво шароитига бардош бериб бир жойда бир неча йиллар мобайнида кўзгалмай туравердилар. Агар бизлардан бирортаминини дарахтга ўхшаб бир жойда кўзгалмасдан уч кун ёки ундан ҳам озроқ вақт туришни илтимос қилсалар, ҳеч ким бунга чидай олмаган бўларди. Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудот ўзининг онги қай даражада ривожланган бўлса, шунга мос равишда бахт ва мусибат, қувонч ва изтироб туйғуларини ҳис қилади.

Биз бу моддий оламда ҳис қиладиган бахт аслида ҳақиқий бахт эмас. Агар сиз дарахтдан: "Сен ўз ҳаётингдан мамнунмисан?" - деб сўрасангиз, гапиришни билганида, у албатта: "Ҳа, мана шу ерда йил бўйи ёмғир, қор, шамолларни кўриб, қувончга тўлиб туриш - мен учун буюк бахт!" - деб жавоб берган бўларди. Фақат онги паст дарахт шундай ҳаёт шароитидан бахтиёр бўлиши мумкин, лекин инсон эмас. Оламда тирик мавжудотларнинг тури кўп, уларнинг ҳар бири бахт ҳақида ўзининг алоҳида тасаввурига эга ва бахт тушунчасини ҳар ким ўзича қабул қилади. Кушхонада боғланиб турган ҳайвон қассоб ўзига ўхшаган оғайнисини сўйиб ўлдираётганини кўриб турса ҳам, бемалол ўт чайнаб лаззатланиб тураверади, чунки унинг онги йўқ - кўп ўтмай унинг навбати келишини тушунмайди. Гарчи бир пасдан кейин ҳаётдан кўз юмадиган бўлса ҳам у ўзини бахтиёр сезади.

Шундай қилиб, бахт ҳар хил даражада бўлади. Энг буюк бахт қандай бўлади? Аржунга мурожаат қилар экан, "Бхагавад-гита"да Кришна шундай дейди:

*сукхам атйантикам йат тад
буддхи-грахийам атиндриям
ветти йатра на чаивайам
стхитаи чалати таттватах*

“Мана шу қувончли ҳолат(самадхи)да тирик мавжудот ўзининг руҳий сезгилари ёрдамида чексиз илоҳий лаззат ҳис қилади. Ана шу ҳолатга эришгандан кейин, у энди ҳеч қачон ҳақиқат йўлидан четга чиқиб кетмайди”(6.21).

Буддхи ибораси тафаккур деганни билдиради. Тафаккур инсоннинг лаззат олишига ёрдам беради. Тафаккури паст даражада ривожланган ҳайвонлар ҳеч қачон инсонларга ўхшаб лаззатлана олмайдилар.

Инсон ўлганида унинг қўллари, бурни, кўзлари, бошқа сезги аъзолари ва танасининг бошқа қисмлари жойидан кўзгалмай туради, лекин инсон энди аввалгидай лаззатлана олмайди. Нимага? Лаззатланиш қуввати, илоҳий руҳ, жон танани тарк этиб кетган, ана шу руҳ

билан бирга эса, танани ҳаракатга келтириб турган ҳаёт кучи ҳам чиқиб кетади. Шу тарзда фикрлайверсак, шундай хулосага келамиз: аслида лаззатланадиган, бахт нималигини ҳис қиладиган нарса тана эмас, балки тананинг ичидаги рух, жондир. Инсон ҳатто: "Ахир мен барибир моддий сезги аъзоларим ёрдамида лаззатланаман-ку" - деб ўйласа ҳам, ҳақиқий лаззатланувчи зот - руҳий заррача, жон бўлиб қолаверади. Лаззатни, бахтни ҳис қилиш - рух(жон) нинг мангу хусусиятидир, аммо ҳозир рух моддий тана билан қоплангани сабабли, у ўзининг ана шу хусуси-ятини тўлиқ намоён этолмайди. Биз буни англай оламизми, йўқми, агар ичида рух, жон бўлмаса, тананинг ўзи лаззат, бахт нималигини сезишга қодир эмас. Чиройли аёл ўлгандан кейин унинг "чиройли" жасади қайси бир эркакни ўзига жалб эта оларди? Ҳеч кимни, чунки унинг ичидан жон, руҳий зарра чиқиб кетган. Тананинг ичида турган рух танага ҳаёт бағишлайди, ўзи ҳам лаззатланишга интилади. Рух танани тарк этиб кетганида эса, тана жонсиз, ўлик ҳолга келиб, бузила бошлайди.

Агар лаззатланадиган зот рух бўлса, демак, унинг сезги аъзолари бўлиши керак, акс ҳолда у қандай қилиб лаззатланади? Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, гарчи мангу руҳнинг ўлчамлари жуда кичкина бўлса ҳам, ҳақиқий лаззатланадиган зот тана эмас, айнан ана шу рух бўлади. Рухни ўлчашнинг иложи йўқ, лекин бу - унинг умуман ўлчами, қиёфаси, шакли йўқ дегани эмас. Бошқа бир нарсалар ҳам бизга жуда кичкина, на узунлиги, на эни, на бўйи бор бўлган бир нукта бўлиб кўриниши мумкин, лекин микроскоп тагида қарасак, албатта биз унинг маълум ўлчамлари бор эканини билиб оламиз. Худди шундай руҳнинг ҳам ўлчамлари, шакли бор, лекин биз уни аниқлашга қодир эмасмиз. Костюм ёки кўйлак сотиб олар эканмиз, биз одатда ўлчами танамизга тўғри келадиган кийимни танлаймиз. Худди шундай руҳий зарра, жоннинг ҳам шакли бор, бўлмаса у ҳаёт бағишлаб турган тананинг шакли қаердан пайдо бўларди? Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, рух маълум шакл-шамоилсиз зот эмас. Рух маълум шаклга, қиёфага эга бўлган шахс. Худо ҳам - шахс, Ундан ажралган заррача бўлган рух ҳам шахс. Агар отаси ўзига хос алоҳида сифатларга, фазилатларга эга шахс бўлса, унинг ўғли ҳам албатта алоҳида сифатларга эга шахс бўлиши керак. Аксинча, агар ўғли алоҳида сифатларга эга бўлса, демак, отаси ҳам алоҳида сифатларга эга бўлган шахс, деб ўйлаш мантиққа тўғри келади. Шунинг учун бизлар, Худонинг фарзандлари, ҳар биримиз алоҳида шахс бўла туриб, қандай қилиб Отамиз, ягона Парвардигорни "шахс сифатига эга эмас" деб айта оламиз?

Атиндрийам ибораси шуни билдирадики, биз фақат моддий сезгиларимизни жиловлаб олгандан кейингина ҳақиқий бахт лаззатини ҳис қила оламиз. *Раманте йогино нанте сатйананда-чид-атмани:* руҳий баркамолликка интилаётган йоглар ақлини қалбидаги Олий Рухда мужассам қилиб, бундан чуқур илоҳий лаззат ҳис қиладилар. Агар ҳақиқатан ҳам илоҳий лаззат ҳис қилмаса, улар шунча қийналиб, моддий сезги аъзоларини жиловлашга ҳаракат қилиб юрармидилар? Ана шундай қаттиқ риёзатга берилиб юрган йоглар қандай лаззат ҳис қиладилар? Йоглар интилаётган лаззатни *ананта*, яъни, "чексиз лаззат" деб атайдилар. Чексиз лаззатга қандай эришса бўлади? Алоҳида рух ва Худо Шахси мангу мавжуд зотлардир, демак, уларнинг илоҳий муҳаббатга асосланган ўзаро муносабатлари ҳам мангу бўлиши керак. Шунинг учун ҳақиқатан ҳам чуқур тафаккурга эга бўлган ақл-фаросатли инсон ўткинчи моддий танаси орқали ҳис қилинадиган

вақтинчалик ҳиссий лаззатлардан ўзини тияди ва руҳий ҳаёт берадиган ҳақиқий лаззат, ҳақиқий бахтга интилади. Тирик мавжудотнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро руҳий муносабатлари *раса-лила* деб аталади.

Биз Кришнанинг Вриндавандаги подачи қизлар - гопилар билан ўтказган *раса-лиласи* ҳақида кўп эшитганмиз. Бу ўйинлар моддий тана ичида қамалиб юрган оддий тирик мавжудотларнинг бу дунёдаги ўзаро муносабатларига мутлақо ўхшамайди. *Раса-лилани* "руҳий таналар орасида бўладиган ўзаро ҳис-туйғу алмашиш жараёни" деб аташ мумкин. Буни чуқур фикрлай оладиган инсонгина тушуниб етиши мумкин, буни тушунишга қодир бўлмаган онги паст, ҳақиқий бахт нималигини тушунмайдиган, калтафаҳм одам эса, бу моддий оламда бахт излаб, сарсон бўлиб юраверади.

Ҳиндистонликлар ҳеч қачон шакарқамишни кўрмаган бир аҳмоқ ҳақидаги масални тез-тез гапириб юрадилар. Ўша аҳмоқ бир куни одамлардан шакарқамиш жуда ширин бўлишини эшитиб қолади. "Шакарқамиш қандай кўринишга эга?" - деб сўрабди у одамлардан. Одамлар унга шакарқамишни тасвирлаб берибдилар. Маълумки, шакарқамишнинг ташқи кўриниши бамбукка жуда ўхшаб кетади. Аҳмоқ, калтафаҳм одам бориб бамбук таёкчаларини чайнаб шимиб, сўра бошлабди. Нахотки у бамбукни чайнашдан шакарқамишни чайнагандай лаззат ололса? Биз ҳам ана шу нодонга ўхшаб, ҳаётда лаззат ва бахтга интилиб, ўзимизнинг моддий танамизни "чайнаб" юрибмиз, шу боис бу дунёда ҳеч қачон на ҳақиқий бахтга, на ҳақиқий лаззатга эришолмай яшайпмиз. Ҳатто баъзан лаззатга ўхшайдиган қандайдир туйғуни ҳис қилсак ҳам, бундай лаззатни ҳақиқий лаззат, ҳақиқий бахт деб бўлмайди, чунки у дарров ўтиб кетади, тамом бўлиб қолади. Баъзан бизга осмонда яшин чакнагандай бўлиб кўринади, аслида эса, у - шунчаки яшиннинг акси, ҳақиқий яшин қаердадир, узоқ-узоқларда бўлади. Худди шундай, биз ҳам бахт нималигини билмай туриб, ҳақиқий бахтдан юз ўгириб, бу моддий оламда бахт топиш ниятида бекорга овора бўлиб юрибмиз.

Кришнани, Худони англаш усулидан фойдаланиб инсон ҳақиқий бахтга эриша олади. Мана шу усул ёрдамида биз аста-секин ўзимизнинг ҳақиқий тафаккуримизни ривожлантирамиз ва руҳий жиҳатдан юксала борган сайин ҳақиқий, илоҳий бахтнинг ширин лаззатини ҳис қила борамиз. Ана шу лаззатни қанчалик чуқур ҳис қила бошласак, моддий бахтга, ўткинчи дунёвий орзуларга интилишни тарк этиш шунчалик осон бўлади. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етгандан кейин инсон табиий равишда ўткинчи, алдамчи бахтдан бутунлай юз ўгиради. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши нимага эришади?

йам лабдхва чапарам лабхам манйате надхикам татах йасмин стхито на духкхена гурунапи вичалйате

"Ана шундай поғонага кўтарилгандан кейин инсон чуқур лаззат келтирадиган энг буюк бахтга эришганини тушуниб етади, шунда, ҳатто ҳаётда учрайдиган энг қийин синовлар ҳам уни ўзи танлаган мана шу йўлдан қайтишга мажбур этолмайди"(6.22).

Инсон Кришна онгига эга бўлганида унинг ҳаётда эришган бошқа ўткинчи ютуқларининг ҳаммаси унинг учун арзимас нарсалар бўлиб қолади. Моддий оламда яшар эканмиз, биз жуда кўп нарсаларга эга бўлишга интиламиз: бойликка, чиройли аёлларга, илмга, гўзалликка ва ҳоказо. Лекин Худони англаб етган киши эса, - мана шу, яъни, Парвардигорни танигани, Кришнани англаб етгани - унинг ҳаётда эришган энг катта бойлиги эканини тушунади. Кришнани англаш шундай

илохий қудратга эгаки, атиги биргина марта унинг лаззатини тотиб кўрган киши ҳаётдаги энг катта хавф-хатар ва қийинчиликларга ҳам бардош бера олади. Инсон бир марта Худони англашнинг ширин лаззатини тотиб кўрса, ҳаётдаги бошқа барча ютуқлари, ўзи аввал лаззат деб юрган нарсалари унинг учун мутлако арзимас нарсалар бўлиб қолади.

Худони англаб етган киши ҳатто ажали етиб турган кўрқинчли ҳолатда ҳам ўзини йўқотмайди. Одатда биз ҳамиша ҳар хил хавф-хатарларга дучор бўлиб юрамиз, чунки моддий олам - жуда қалтис, хавф-хатарларга тўла, ишониб бўлмайдиган жуда хатарли жой. Одатда биз чуқур фикр юритмаймиз, шу боис ҳаётдаги хавф-хатарларга кўз юмамиз ва уларга кўникишга, мослашиб яшашга ҳаракат қиламиз. Лекин, қалбида Кришна онгини ривожлантираётган, шу билан ўзининг мангу уйига, Худонинг мангу даргоҳига қайтишга тайёрланиб юрган кишини ҳеч қандай, ҳатто энг кўрқинчли хавф-хатарлар ҳам ташвишга солмайди. Шундай инсон ҳаётда ҳамиша хотиржам яшайди: “Ҳаётда биз ҳамиша турли хавф-хатар остида яшаймиз, шунинг учун улардан қочиб қутулишга уриниб юришнинг ҳожати йўқ!” Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган ва моддий унсурлардан таркиб топган кўпол танасини “ўзим” деб биладиган калтафаҳм одамларнинг бундай ўйлаши, фикр юритиши жуда қийин бўлади. Лекин Кришнани англаш йўлида юксала борган сайин инсон аста-секин ўзининг ўткинчи танасини “ўзим” деб қабул қилиш ва бошқа ҳар хил адашишлардан халос бўла бошлайди.

“Шримад Бхагаватам”да моддий олам чексиз уммонга қиёсланган. Моддий оламда миллион, миллиард сайёралар айланиб юрибди, биз уларда Атлантика ва Тинч океани сингари бир қанча океанлар борлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Аслида бутун моддий олам - чексиз мусибатлар, кетма-кет туғилиш ва ўлишлар уммонидир. Мана шу ғафлат уммонини кечиб ўтиш учун бизга мустаҳкам кема керак бўлади, ана шундай мустаҳкам кема - Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи бўлади. Биз ҳеч иккиланмасдан ана шу кемага чиқиб олишимиз лозим. “Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи биз учун кичкиналик қилади” деб ўйламанг. Бутун борлиқ Унинг нилуфар қадамлари пойида жойлашган. Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган киши учун моддий олам уммони худди булоқнинг туёқ изларида қоладиган кўлмак сувга ўхшаб қолади. Шундай кўлмақдан ўтиш эса, ҳеч гап эмас.

там видйад духкха-самйюга

-вийогам йога-самдҗнитам

“Мана шу - моддий оламга аралашиш натижасида юзага келадиган барча азоб-уқубатлардан ҳақиқий озодликка чиқишдир”(6.23).

Жиловланмаган сезгиларимиз бизни бу моддий оламга олиб келган. Йога билан шуғулланишдан мақсад – сезгиларимизни жиловлашни ўрганишдан иборат. Сезгиларимизни жиловлаб олиш ёрдамида биз ҳақиқий, руҳий бахтга эга бўламиз ва инсон ҳаётининг олий мақсадига эришамиз.

*са нишчайена йоктавию його нирвинна-четаса
санкалта-прабхаван камамс тйактва сарван ашеишатах
манасавендриия-грамам винийамйа самантатах
шанаих шанаир упарамед буддхйа дхрити-грхитайа
атма-самстхам манах критва на кинчид апи чинтайет
йато йато нишчалати манаиш чанчалам астхирам
татас тато нийамйаитад атманй эва ваишам найет*
“Инсон йога билан чуқур ишонч ва қатъият билан шуғулланиши ва ҳеч қачон ўзи танлаган бу йўлдан четга чиқмаслиги керак. У сохта ўзлик(нафс) юзага

келтирадиган барча моддий истакларни битта қолдирмай бутунлай тарк этиши лозим ва ақли ёрдамида барча сезги аъзоларининг фаолиятини назорат қилиб туриши лозим. Аста-секин, қатъий ишонч билан чуқур тафаккурига суянган ҳолда, илохий жазава ҳолатига кириб, ақлини бошқа ҳеч нарсага чалғитмай, фақат (қалбида) руҳида мужассам қилиши лозим. Табиатига кўра ҳамиша нотинч бўлган ақли чалғиб, қаерга қочиб кетса ҳам, изчиллик билан уни дарров орқага қайтариши ва яна ўзининг ҳақиқий “мен”ига бўйсундириб, руҳида мужассам қилиш керак”(6.24-26).

Аслида ақлимиз ҳамиша безовта бўлиб юради. Ақлимизда ҳамиша қандайдир фикрлар юзага келиб туради. Лекин йога билан шуғулланганимизда бизлар куч билан ақлимизни Кришна онгида мужассам қиламиз. Одатда ақлимиз Кришна онгидан жуда кўп нарсаларга чалғиб кетади, чунки қадим замонлардан бери, неча миллион умрлар оша ақлимизга шундай имкон яратиб қўйганмиз. Шунинг учун ақлини Кришна онгида мужассам қилишга уринаётган киши аввалига жуда қаттиқ қийинчиликларга дуч келади. Лекин бу қийинчиликларнинг ҳаммасини бемалол енгиб ўтса бўлади.

Ақлимиз ҳамиша безовта бўлиб, Кришна онгида мужассам бўлмагани сабабли у ҳамиша бир фикрдан иккинчи фикрга кўчиб юради. Масалан, бирор иш билан машғул бўла туриб, биз бирданига ҳеч қандай сабабсиз ўн, йигирма йил аввал бўлиб ўтган ишларни эслаб бошлаймиз. Ана шундай ўйлар ҳамиша ақлимизни чалғитиб, уни ҳамиша безовта қилиб юради. Агар кўлдаги сувни булғасангиз, сув остидаги лойқалар юқорига кўтарилади.

Худди шундай, агар ақлимиз безовта бўлса, унинг юзига ҳам узоқ йиллар давомида унинг хотирасида чўкиб қолган лойқалар чиқа бошлайди. Агар кўлдаги сув тинчланса, лойқалар яна пастга чўқади. Шунга ўхшаб, агар инсон йога билан шуғулланиб юрса, унинг ақли ҳам хотиржам бўла бошлайди ва лойқага ўхшаган барча кераксиз фикрлар хотирасининг тубига чўкиб қолади. Шу боис, ақлини ҳар хил безовталиклардан, кераксиз ташвишлардан ҳимоя қилиш учун маълум қоида ва тартибларга амал қилиб яшаш лозим. Шу тариқа биз ақлимизни ҳамиша назорат қилишни, уни жиловлаб олишни ўрганамиз. Бунинг учун жуда кўп қоида ва чеклашлар бор, ақлини ҳақиқатан жиловлаб олишга жиддий интилаётган киши уларнинг барчасига қатъий амал қилиб яшати лозим. Ҳаёлига келган ҳар қандай иш билан шуғулланиб юраверадиган киши ҳеч қачон ақлини жиловлай олмайди. Лекин, махсус тайёргарликдан ўтгандан кейин инсон фақат Худо ҳақида, Кришна ҳақида ўйлайдиган бўлади, шунда унинг ақли ҳам табиий равишда осойишта, хотиржам ҳолатга келади.

прашанта-манасам хатха-йога энам

йогинам сукхам уттамам

упаити шанта-радҗасам

брахма-бхутам акалмашам

“Ақлини Менда мужассам қилиб, йог руҳий баркамолликнинг энг олий поғонасига кўтарилади ва илохий бахтга эришади. Эҳтирос гунасида юқори кўтарилиб, у ўзининг Парвардигор билан бир хил табиатга эга эканини англаб етади ва ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади”(6.27).

Инсоннинг ақли ҳамиша лаззат келтирадиган нарсалар излаб юради. Биз ҳамиша: “Мен шу нарсага эришсам, албатта бахтли бўламан!” “Менинг бахтим мана шунда!” “Балки ундай қилсам бахтли бўларман!” - деб ўйлаб юрамиз. Шу тариқа ақлимиз бизни ҳар та-

рафга олиб қочади - бу ҳолатимиз худди бошқарувсиз ўз ҳолига ташлаб қўйилган араванинг ичида ўтирган кишининг ҳолатига ўхшайди. Биз ҳаракатнинг йўналишини ўзгартиришга қодир эмасмиз, фақат даҳшат ичида атрофга аланглаб, тақдир бизга нима олиб келишини кутиб ўтираемиз, холос. Лекин, ақлимиз бутунлай Кришна онгида мужассам бўлганида, айниқса биз Худонинг муқаддас номларини - Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - зикр қилиб юрганимизда тақдир аравасини тортиб бораётган асов от(сезги)лар аста-секин бизга бўйсунга бошлайди. Ҳамиша нотинч, безовта, ўжар ақлимиз бу моддий оламда бахт топишга уриниб, бизни ўзи истаган тарафга олиб кетавермаслиги учун биз ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини Худога садоқат билан хизмат қилишга сарфлашимиз лозим.

*йунджан эвам садатманам
йоги вигата-калмашаҳ
сукхена брахма-самспаршам
атйантам сукхам ашнуте*

“Шундай қилиб, ўзини тўла бошқара оладиган ва ҳамиша йога билан шуғулланиб юрган киши(йоги) моддий иллатлардан бутунлай покланади ва ҳақиқий, мутлақ бахтнинг энг олий поғонасига кўтарилади. Бундай бахтни у Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан топади”(6.28).

Кришна ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган одамларнинг ҳаммасини Ўзининг Шахсий ҳимояси остига олади, ҳимоя қилувчи Зот эса, ҳаммага маълумки, қўл остидагиларга ҳамиша ўз вақтида ёрдамга келади. "Бхагавад-гита"да айтилганидай, Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўсти, бизнинг бурчимиз Парвардигор билан бўлган ана шу мангу дўстлигимизни қайта тиклашдан иборат. Кришнани англаш усули бизга айнан шу мақсадга эришишда ёрдам беради. Қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш ёрдамида биз Худога яқинлашишга халақит бераётган ҳар хил дунёвий орзу-истаклардан аста-секин халос бўла борамиз. Кришна қалбимизда туриб қачон Унга мурожаат қилишимизни ҳамиша кутиб юради, лекин моддий истаклар дарахтидан ҳар хил меваларни тоғиб кўриш билан овора бўлиб юрар эканмиз, Унга мурожаат қилишга бизнинг вақтимиз етишмайди. Биз қандай бўлмасин, нодонларча ўткинчи лаззатлар изидан қувиб юришни тарк этишимиз ва ҳақиқий табиатимизни, Браҳман, Парвардигор билан сифат жиҳатдан бир хил соф руҳ эканимизни тезроқ англаб, ҳақиқий, илоҳий бахтдан лаззатланиб яшашга интилишимиз лозим.

2. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида Кришнани англаш жараёни

*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре*

Бу товушлар илоҳий табиатга эга. Уларни тинглаш ақлимиз ойнасини дунёвий иллатлардан поклайди. Худди Нью-Йоркдаги одамлар ва машиналар билан гавжум Иккинчи Авенюдаги уйларнинг ойнасига ўтириб қолган чанг сингари, ҳозир бизнинг ақлимиз ойнасига ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларнинг қалин чанги ўтириб қолган. Биз дунёвий фаолиятга шунчалик берилиб кетганмизки, ақлимиз ойнаси чанг билан хира-

лашиб, ҳаётни аниқ нуқтаи-назар билан асл ҳолида кўролмаймиз. Аммо Ҳаре Кришна мантрасининг илоҳий товушлари ана шу чанглари юшиб, ақлимизни поклайди, шунда биз ўзимиз аслида ким эканимизни англаб, асл табиатимизни кўра оламиз: **“Мен тана эмасман, мен тана ичидаги, ўзини онг орқали намоён этадиган мангу руҳман!”** Мана шу ҳақиқатни тушуниб етган заҳоти биз **ҳақиқий бахтга эришамиз.** Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш билан биз онгимизни поклаб, барча моддий қийинчиликлардан халос бўламиз. Моддий оламда ҳамиша турли мусибатлар олови ёниб туради, ҳар бир инсон ҳаётда ана шу олов билан курашиб яшайди, лекин моддий қийинчиликлар оловини фақат руҳий юксалиш жараёнида онгини покланган кишигина биратўла ўчириб ташлашга қодир бўлади.

Кришнанинг моддий оламга келишининг сабабларидан бири *дхарма*(ҳақиқий дин) қонунларини қайта тиклаш ва шу билан тирик мавжудотларни қийнаб ёниб ётган моддий ҳаёт оловини ўчиришдан иборат.

*йада йада хи дхармасйа
гланир бхавати бхарата
абхйуттханам адхармасйа
тадатманам сриджамы ахам
паритранайа садхунам
винашайа ча душкритам
дхарма-самстхананартхайа
самбхавами йуге йуге*

“Қачон моддий оламнинг қаеридадир ҳақиқий дин(Худонинг) қонунлари таназулга юз тутиб, худосизлик авж олса, Мен Ўзим ташриф буюраман, эй Бхарат авлоди. Тақводорларни ҳимоя қилиш ва иймонсиз золим иблисларни яқсон қилиш, шунингдек, ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклаш учун ҳар даврда Мен Ўзим Ер сайёрасига келиб тураман” (4.7-8).

Бу ерда *дхарма* ибораси ишлатилган. Уни ҳар хил таржима қилиш мумкин. Баъзида бу иборани "дин", "этикод" деб таржима қиладилар, лекин ведавий муқаддас китобларга кўра, "дхарма" қандайдир этикод, дин тури эмас. Инсон динини, этикодини ўзгартириши мумкин, аммо дхармани ўзгартириб бўлмайди. Сув - суюқ, сувнинг мана шу хусусияти ҳамиша сув билан бирга. Агар сув совуқда қотиб музга айланса, демак, у ўзининг табиатини ўзгартирган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у маълум даражада ташқи шароит таъсирига тушиб қолади. Худди шундай, биз бошланғич, азалий дхармаимизга, яъни табиатимизга кўра Худонинг ажралмас заррачаларимиз, шунинг учун биз ҳозирги онгимизни ўзгартиришимиз ва уни Кришна онгига айлантиришимиз, яъни, уни Худонинг хоҳишига бўйсундиришимиз лозим.

Моддий унсурлар билан аралашиб, тирик мавжудот Олий Бутунга, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат бўлган ўзининг ҳақиқий вази-фасини бажаришни тарк этади. Хизмат қилиш хусусияти бизнинг табиатимизда азалдан бор хусусият. Асл табиатимизга кўра бизлар хўжайин эмас, хизматкорлармиз, ҳар биримиз, албатта, кимгадир хизмат қиламиз. Давлат бошлиғи бўлишига қарамай, ҳатто президент ҳам давлатга, халққа хизмат қилади, унинг хизмати халққа керак бўлмай қолганида дарров уни алмаштирадилар. Агар биз ўзимизни хўжайин, атрофимиздаги нарсаларнинг эгаси, деб ҳисобласак, демак биз алданиш, *майя* таъсирига тушиб қолган бўламиз. Ана шундай ҳолатда, онгимиз моддий сифатга эга бўлиб қолгани сабабли, ўзимизни ҳар хил номлар билан атаб, аслида хизмат қилишимиз лозим бўлмаган нарсаларга

хизмат қила бошлаймиз. Аммо, ақлимиз ойнасини тозалаб, адашишдан, ана шу сохта қиёслашлардан халос бўлсак, ўзимизнинг асл ҳолатимизни - Кришнанинг мангу хизматкори эканимизни яққол кўра бошлаймиз.

Рухий оламда хизмат қилиш ҳам бу ердаги хизмат қилишга ўхшайди, деб ўйламаслик керак. Ҳатто рухий озодликка чиққандан кейин ҳам барибир хизматкор бўлиб қолишини эшитиб, кимдир бундан кўрқиб кетиши мумкин. Ҳамма биладики, моддий оламда хизматкор бўлиш ҳеч кимга ёқмайди. Лекин, рухий оламда хизмат қилиш ундай эмас. Рухий оламда хизматкор билан хўжайин орасида фарқ қолмайди. Моддий оламда улар орасидаги фарқ яққол сезилиб туради, аммо рухий оламда бундай қарама-қаршилиқларга ўрин йўқ. "Бхагавад-гита"ни ўрганар эканмиз, биз биламизки, Кришна Аржуннинг жиловдори - хизматкори бўлди. Аржуннинг азалий ҳолати Кришнанинг хизматкори бўлиш, лекин бу ерда кўриниб турибдики, Парвардигор баъзан Ўзининг хизматкорининг хизматкори бўлади. Шунинг учун ҳеч қачон рухий оламни моддий олам нуқтаи-назаридан тушунишга уринмаслик керак. Моддий оламда биз кўриб юрган нарсаларнинг барчаси рухий оламдаги нарсаларнинг бузилган, тескари аксидир, холос.

Моддий унсурларга аралашиб, тирик мавжудотлар ўзининг асл дхармасини, ўзининг азалий ҳолатини эсидан чиқарганида Парвардигор моддий оламга Ўзининг мангу қиёфаларидан бирида ташриф буюради ёки Ўзининг яқин хизматкорларини юборади. Парвардигорнинг ана шундай вакилларида бири Ийсо Масих эди, у ўзини "Худонинг ўғли" деб атади. Муҳаммад пайғамбар ҳам одамларга ўзини "Худонинг элчиси", хизматкори деб таништирган. Шундай қилиб, биз рухий табиатимизни унутиб Парвардигор олдидаги азалий вазифамизни, мангу бурчимизни бажармай қўйганимизда Парвардигорнинг Ўзи моддий оламга келади ёки бизларга тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати қандай эканини эслатиб қўйиш учун Ўзининг бирор ишончли вакилини юборади.

Шунинг учун *дхарма* - одамлар ўзлари ўйлаб чиқарган бирор дин ёки эътиқод тури, деб ўйламаслик керак. Аслини олганда дхармани тирик мавжудотдан умуман ажратиш бўлмайди. Худди шакар билан унинг ширинлиги, туз билан унинг шўр таъми ҳамиша бирга бўлгани сингари, *дхарма* ҳам тирик мавжудотнинг ажралмас, ўзгармас табиатидир. Улар ҳеч қачон бир-биридан ажралмайди. Бизнинг дхармамиз хизмат қилишдан иборат, мана шу хусусиятни ҳар бир тирик мавжудотда кўриш мумкин: тирик мавжудот ҳамиша кимгадир хизмат қилади - ё ўзига, ё бошқа бировга. "Бхагавад-гита"да Парвардигор одамларга моддий оламда хизмат қилиш исканжасидан қутулиб, қандай қилиб Худога хизмат қила бошлаш, ҳаётда Кришна онги билан яшаш ва қандай қилиб барча моддий қиёслашлардан халос бўлиш илмини ўргатган.

Юқоридаги шеърда *садху* ибораси "тақводор инсон", "авлиё" деган маънони билдиради. Шундай инсон сабр-тоқатли, барча тирик мавжудотларга нисбатан меҳрибон бўлиб, ҳаётда ҳамиша хотиржам, осойишта юради, у ҳар кимнинг яқин дўсти, ҳеч кимни ўзининг душмани деб билмайди. Муқаддас китобларда Худонинг содиқларининг 26 сифати кўрсатилган. "Бхагавад-гита"да Парвардигор шундай дейди:

ати чет су-дараचारо бхаджате мам ананйя-бхак садхур эва са мантавайах самйаг вйавасито хи сах
"Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши хатто энг ноҳўя иш қилиб қўйса ҳам, барибир уни

тақводор, авлиё инсон деб ҳисоблаш лозим, чунки у тўғри йўлдан бораётган инсондир"(9.30).

Бу дунёда биров учун яхши фазилат ҳисобланган нарсга бошқа биров учун одобсизлик бўлиб кўринади, аксинча, биров одобсизлик деб ҳисоблаган нарсани кимдир яхши амал деб билади. Масалан, Ҳиндуларда вино ичиш - одобсизлик, ғарбий давлатларда эса, бу иш аллақачон одат тусига кириб кетган. Демак, ахлоқ, одоб қоидалари нисбий тушунчалар ҳисобланади ва замон, макон, шароит, ижтимоий муҳит каби ташқи шартларга боғлиқ, лекин барибир, ҳар бир жамиятда одоб ва одобсизлик, яхшилик ва ёмонлик тушунчалари албатта мавжуд. Бу ерда Кришна айтяптики, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган бирор ишни қилиб қўйса ҳам, барибир уни тақводор, авлиё инсон деб ҳисоблаш керак. Агар инсон ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худонинг хоҳишига мос бўлган фаолият билан машғул бўлиб юрган бўлса, бизга номаъқулдай кўринаётган унинг баъзи бир ишларига эътибор бермаслик керак. Аввал ҳаётда қандай яшаганидан қатъий назар, агар энди Кришна онги билан яшаб Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, вақт ўтиши билан покланиб, инсон албатта ҳақиқий *садху* даражасига кўтарилади. Кришнани англаш йўлида юксала бориши билан вақти келиб инсон ўзининг барча бемаъни одатларини тарк этиб, бегуноҳ ва бенуқсон авлиё инсон бўлиб етишади.

Бунга муқаддас саждагоҳларга зиёратга борган бир ўғрини мисол келтириш мумкин. Бир ўғри йўлда бошқа зиёратчилар билан бирга бир қарвонсаройда тунаган экан. У ўғирлик қилишга шунчалик ўрганиб кетган эдики, эски касали тутиб, зиёратчиларнинг нарсаларини ўғирламоқчи бўлибди. У шундай ўйлабди: "Мен бировнинг нарсасини ўғирламаслигим керак, мен ахир зиёратга кетяпман-ку. Йўқ мен бундай қилмайман!" Лекин, барибир "ўрганган кўнгил ўрганса, қўймас!" деганларидай, сира тинчий олмабди. Шунда у зиёратчиларнинг сумкаларини бир жойдан иккинчи жойга таший бошлади. У кечаси билан сумкаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб чиқибди. Виждони барибир бировларнинг нарсасини олишга йўл қўймабди. Эрталаб уйғонган зиёратчилар сумкаларини қўйган жойидан тополмай шовкин кўтара бошлабдилар, лекин сал ўтмай ҳамма ўз сумкасини топиб олибди. Шунда ўғри уларга шундай дебди: "Эй яхшилар, гап шундаки, мен - ўғриман. Кечалари ўғирлик қилишга ўрганиб қолганман, шу боис сизларнинг сумкаларин-ғизни олиб кетмоқчи эдим. Лекин, ўйлаб кўриб, муқаддас саждагоҳга бораётганимни эслаб, ўғирлик қилмаслик кераклигини англадим. Лекин барибир ўзимни тутолмай, сумкаларингизни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйдим. Илтимос, мени кечиринг-лар!" Кўряпсизми, бемаъни одатнинг кучи қандай бўлади. Ҳеч ким ўғирлик қилгиси келмайди, лекин барибир "ўрганган кўнгил ўрганса қўймас!" Шунинг учун Парвардигор айтадики, бемаъни одатларини ташлаб, Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилишга қарор қилган кишини, агар ҳатто у эски одати бўйича бирор ноҳўя иш қилиб қўйса ҳам, барибир *садху* деб ҳисоблаш керак. Кейинги шеърда Парвардигор шундай дейди:

*кишипрам бхавати дхарматма
шаивач-чхантим ниғаччхати
каунтейа пратиджанихи
на ме бхактах пранашияти*

"У тез вақт ичида тақводор инсон бўлади ва мангу осойишталикка эришади. Эй Кунтининг ўғли, ҳаммага дадил эълон қил, Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалок бўлмайди!"(9.31).

Кришна бу ерда айтяптики, Кришнани англаш йўлидан катъий қарор билан бораётган киши тез вақт ичида такводор авлиё даражасига кўтарилади. Агар ишлаб турган вентиляторни электр токидан олиб ташласак, у бироз вақт айланиб туради, лекин ҳамма биладикки, у сал ўтмай барибир тўхтаб қолади. Худди шундай, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топгандан кейин биз ҳам *карма*(оқибат) келтирадиган дунёвий фаолият билан шуғулланмай қўямиз. Барибир бу йўлда турли адашишлар учраб турса ҳам, кўп ўтмай улар биратўла йўққа чикиб кетади. Кришнани англаш йўлига кирган киши бошқа йўллар билан ўзида яхши, эзгу фазилатларни ривожлантиришга уриниб юришининг ҳожати йўқ. Бундай фазилатлар унда ўзидан-ўзи пайдо бўлиб, ривожлана бошлайди. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Кришна онгига эга бўлган кишида такводор, авлиё инсонларнинг барча эзгу сифатлари табиий равишда ривожлана бошлайди. Аксинча, инсон жуда кўп яхши сифатларга эга бўлсаю, аммо Кришна онгига эга бўлмаса, яъни, Худонинг содиқ хизматкори бўлмаса, бу эзгу сифатларининг барчаси бефойда, чунки бу сифатлар уни гуноҳ қилишдан сақлаб қолаб қолмайди. Кришна онгидан маҳрум бўлган, Худони танимайдиган ғофил киши моддий оламда яшар экан, барибир гуноҳ қилишда давом этаверади.

*жанма карма ча ме дивйам
эвам йо ветти таттватах
тйактва дехам пунар жанма
наити мам эти со ржуна*

“Менинг бу дунёга келишимнинг, кўрсатган кароматларимнинг илоҳий табиатини англаб етган киши бошқа ҳеч қачон моддий оламда туғилмайди, у Менинг мангу, илоҳий даргоҳимга эришади, эй Аржун”(4.9).

Бу ерда Парвардигор Ўзининг моддий оламга келишининг илоҳий табиатини таърифлашда давом этапти. У бу оламга келганида ҳар хил кароматлар кўрсатади. Албатта, баъзи файласуфлар Парвардигорнинг моддий оламда намоён бўлишига ишонмайдилар. “Нимага энди Парвардигор мана шундай даҳшатли оламга келиши керак?” - деб ўйлайди улар. Лекин “Бхагавад-гита”да Парвардигорнинг бу дунёга келишининг сабаблари очиқ айтилган. «Бхагавад-гита» ишончли муқаддас китоб эканини эсдан чиқармаслик керак, биз унда ёзилган гапларга ҳеч қандай шубҳа қилмасдан ишонишимиз лозим, акс ҳолда уни ўқишининг, ўрганишининг ҳеч қандай маъноси қолмайди. «Бхагавад-гита»да Парвардигор айтадики, У бу моддий оламга аниқ мақсад билан келади, Ўзининг режаларини амалга ошириш учун бу дунёда ҳар хил кароматлар кўрсатади. Масалан, биламизки, Кришна Аржуннинг жиловдори бўлиб, Курукшетрада бўлиб ўтган қирғинбарот урушда фаол иштирок этган. Ҳар қандай урушда ҳар бир инсон ёки бутун бир халқ бирор томоннинг тарафини олиб, уни қўллагани сингари, Кришна ҳам Аржуннинг тарафида туриб, уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб юрган. Гарчи, бир қараганда Парвардигор Кришна ҳаммага бир хил муносабатда бўладигандай туюлса ҳам, аслида У ҳаммага бир хил қарамайди. Парвардигорнинг бундай ҳаракатини нотўғри тушунмаслик керак.

Бу ерда Парвардигор айтяптики, Унинг моддий оламда пайдо бўлиши илоҳий табиатга эга. *Дивйам* ибораси "илоҳий" деган маънони билдиради. Кришнанинг кўрсатган кароматларини оддий одамнинг ишлари деб бўлмайди. Худди ғарбий давлатларда одамлар ҳар йили Йисо Масиҳнинг туғилган кунини нишонлагани сингари, ҳар йили август ойида Ҳиндистонликларнинг барчаси, қайси динга эътиқод қилишидан катъий назар,

Кришнанинг туғилган кунини катта байрам қилиб нишонлайдилар. Кришнанинг туғилган куни *Жанмаштами* деб аталади, бу ерда ҳам Кришна туғилишни *жанма* ибораси билан ифодалаб турибди. Бу дунёда туғилган киши албатта қандайдир кароматлар кўрсатиб яшайди. Кришнанинг туғилиши ва кўрсатган кароматлари илоҳий табиатга эга, яъни оддий одамларнинг туғилишига, уларнинг ишларига асло ўхшамайди. Кимдир савол бериши мумкин: “Нимага Кришнанинг ишларини илоҳий табиатга эга деб айтадилар? У ҳам туғилади, Аржун билан бирга У ҳам урушда иштирок этади, Унинг Васудева деган отаси, Деваки деган онаси бор, оиласи бор. Буларнинг нимаси илоҳий бўлиши мумкин?” *эвам йо ветти таттватах* - дейди Кришна. Унинг бу дунёда пайдо бўлиши ва кароматларини ҳар биримиз тўғри англаб етишимиз лозим. Парвардигорнинг бу дунёга келиши ва кароматларининг табиатини англаб етган киши ҳозирги моддий танасини тарк этгандан кейин бошқа ҳеч қачон бу дунёда туғилмайди, у Кришнанинг даргоҳига қайтиб боради. Бошқача қилиб айтганда, у озодликка эришган руҳ бўлади. У мангу руҳий оламга эришади, шунда ўзининг азалий бошланғич ҳолатини эгаллаб, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт кечира бошлайди. Мана шундай бахтиёр ҳолатга эришиш учун биз Кришнанинг бу дунёга келиши ва кўрсатган кароматларининг илоҳий табиатини тушуниб етсак, бас.

Одатда тирик мавжудот танасини тарк этгандан кейин янги тана олиши керак бўлади. Биз танамизни ўзгартириб, яъни, бу танадан бошқа танага ўтиб, янгича ҳаёт билан яшай бошлаймиз. Кейинги танамиз эса, ҳозирги ҳаётимизда қилаётган ишларимиз асосида белгиланади. Мана шу жараён *реинкарнация*, яъни, "руҳнинг бир танадан иккинчи танага ўтиши", "қайта тирилиш" деб аталади. Ҳозир биз моддий танамизни ўзимизнинг ҳақиқий танамиз деб ҳисоблаймиз, аслида эса, у шунчаки кийимга ўхшаган вақтинчалик нарсаси. Бизнинг ҳақиқий, асл танамиз руҳий табиатга эга. Моддий тана эса, - бизнинг ҳақиқий, руҳий танамизни қоплаб турган парда ҳисобланади. Моддий тана кексайиб, эскириб қолганида ёки бахтсиз ҳодисага учраб ҳалок бўлганида, худди эскирган кийимни ечиб ташлагандай, уни ташлаб кетамиз ва янги моддий танага эга бўламиз.

*васамси жирнани йатха вихайя
навани грихнати наро парани
татха шарирани вихайя жирнани
анйани самйати навани дехи*

“Худди инсон эски кийимини ечиб, янгисини кийгани сингари, руҳ ҳам кексайган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган танани тарк этиб, янги танага ўтади”(2.22).

Ривожланишнинг бошланғич поғонасида моддий танамиз мош катталигида бўлади. Ривожланиб у чақалоқ танасига, ёш бола танасига, кейин ўспирин, йигит танасига ва ниҳоят кекса чол танасига айланади, у ишдан чикиб, яроқсиз бўлиб қолганида, биз уни ташлаб, янги танага ўтамиз. Шундай қилиб, моддий тана ҳамиша ўзгариб туради, ўлим - ҳозирги тананинг охириги марта ўзгариши холос.

*дехино смин йатха дехе
каумарам йауванам жарат
татха дехантара-праптир
дхирас татра на мухйати*

“Тана ичидаги руҳ(жон) ёш бола танасидан ўспирин танасига, ундан кекса чол танасига ўтгани сингари, ажали етган пайтда у бошқа бир танага ўтади. Бун-

дай ўзгаришлар ўзининг рух эканини англаб етган илмли кишини безовта қилмайди”(2.13).

Гарчи моддий тана ҳамиша ўзгариб турса ҳам, унинг ичидаги тирик мавжудот ҳеч қачон ўзгармай қолаверади. Ўспириннинг танаси улғайиб катта киши танасига айланади, аммо тана ичидаги тирик мавжудотнинг ўзи аввалгидай қолаверади. Бир вақтлар ёш бола бўлган шахс ҳеч қачон кетмайди. Медицина фани ҳам тан оладик, инсон танаси секунд сайин ўзгариб туради, лекин бу бизни ҳеч қандай ташвишга солмайди. Худди шундай, ҳақиқий илмга эга бўлган кишини ҳам, ажали келганда рўй берадиган тана ўзгариши ташвишга солмайди. Ҳақиқатан ҳам тирик бўлган, яъни, ҳақиқий яшайдиган зот - рух(жон) ҳақида илмга эга бўлмаган ғофил одамлар эса, ҳозирги танасидан айрилиб қолишидан қаттиқ изтиробга тушадилар. Моддий оламга тушгандан кейин биз кетма-кет тана алмашиб юрамиз - бу ўзига хос касаллик. Биз инсон танасини олишга тез-тез муяссар бўлавермаймиз. Ҳозирги ҳаётимизда қилаётган ишларимизга қараб, кейинги ҳаётда биз ҳайвон танасида ҳам, фаришта танасида ҳам туғилишимиз мумкин. "Падма пурана"да ёзилишича, моддий оламда 8.400.000 ҳаёт тури, яъни, шунча турдаги таналар мавжуд. Биз танамизни тарк этгандан кейин ана шу таналарнинг бирортасида туғиламиз. Лекин, Кришнанинг берган ваъдаси бўйича Унинг бу дунёга келиши ва қилган ишларининг ҳақиқий табиатини англаб етган киши туғилиш ва ўлишлардан иборат бу чархпалақдан бутунлай қутулиб кетади.

Кришнанинг бу дунёга келиши ва кўрсатган қароматларининг ҳақиқий табиатини қандай англаб етиш мумкин? Бу ҳақда «Бхагавад-гита»нинг ўн саккизинчи бобида айтилган:

*бхактйа мам абхиджанати
йаван йаш часми таттваатах
тато мам таттваато джнатва
вишате тад-анантарам*

“Мен Худонинг Олий Шахси сифатида ким эканимни, фақат Менга садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида англаб етиш мумкин. Қалбида Менга нисбатан уйғотган муҳаббати ва садоқати шарофати билан инсон Мени тўла англаб етганида, у Парвардигорнинг мангу даргоҳига киришга муносиб бўлади”.(18.55).

Бу ерда Кришна яна *таттваатах* - “ҳақиқатан ҳам” иборасини ишлатяпти. Инсон Парвардигор ҳақидаги илмини фақат Худонинг содиқ хизматкори бўлиш орқалигина ўргана олади. Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган ва Кришна онгини эгаллашга интилмайдиган киши ҳеч қачон бу илмнинг махфий, илоҳий сирини англаб етолмайди. «Бхагавад-гита»нинг тўртинчи боб, учинчи шеърда айтилганки, Кришна бу қадимий йога илмини, Ўзининг дўсти ва содиқ хизматкори бўлгани учун Аржунга айтиб берапти. «Бхагавад-гита»ни шунчаки оддий фалсафий асар сифатида ўрганиб юрган киши учун Кришна ҳақидаги илоҳий илм ҳеч қачон очилмайдиган сир бўлиб қолаверади. Муқаддас «Бхагавад-гита» - хоҳлаган киши магазиндан сотиб олиб, ўз тафаккурига ишониб ўрганса бўлаверадиган оддий китоб эмас. Аржун буюк олим ҳам, Ведалар билимдони ҳам, файласуф ҳам, брахман ҳам, риёзатчи ҳам эмас эди, - у жангчи, оилали киши эди. Лекин шунга қарамай, Кришна «Бхагавад-гита» илмини айнан унга ўргатди ва Аржунни илоҳий илм ўрганувчи шогирдлар силсиласида янги занжирнинг биринчи халқаси қилиб танлади. Нимага? “Чунки сен - Менинг содигимсан!” «Бхагавад-гита»нинг маъносини тўғри тушуниб олиш учун бизга фақат битта шарт қўйилади -

Кришна онгига эга бўлиш, Худога иймон, чуқур ишонч ва садоқат.

Инсон қандай қилиб Кришна онгига эга бўлиши мумкин? Бунга Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб ақлимиз ойнасини моддий иллатлардан тозалаш ёрдамида эришиш мумкин: *Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре*. Мана шу маха-мантрани зикр қилиб ва Кришнанинг содиқлари оғзидан «Бхагавад-гита» илмини тинглаб, биз аста-секин қалбимизда Кришна онгини ривожлантираемиз. *Ишварах сарва-бхутанам*. Кришна ҳамиша бизнинг қалбимизда. Алоҳида рух билан бирга Олий Рух ҳам битта моддий тана дарахтида ўтиради. Алоҳида рух(*жива*) мана шу дарахт меваларидан тотиб юради, Олий Рух (*Параматма*) эса, шунчаки унинг барча ҳаракатларига гувоҳ бўлиб юради. Алоҳида рух Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, қалбида Кришна онгини уйғота борган сари, у билан ёнма-ён юрган Параматма ақл ойнасини тозалашда унга ёрдам бера бошлайди. Кришна - барча тақводорларнинг дўсти, қалбида Кришна онгини ривожлантириб юрган киши эса, - тақводор инсон ҳисобланади. *Шраванам киртанам* - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ва Парвардигор ҳақидаги гапларни тинглаш ёрдамида инсон Кришна ҳақидаги илмини, демак, Кришнанинг Ўзини англаб етади. Шу тариқа Кришнани, Худони таниб, инсон ажали етганда руҳий оламдаги Худонинг мангу даргоҳига эришади. Руҳий олам «Бхагавад-гита»да қуйидагича таърифланган:(15.6).

*на тад бхасайате сурйо
на шашанко на павакаҳ
йад гатва на нивартанте
тад дхама парамам мама*

“Менинг олий даргоҳим на қуёш билан, на ой билан, на олов, на электр нури билан ёритилмайди. Унга эришган киши ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди”.

Моддий олам ҳамиша қоронғу зулмат билан қопланган, уни ёритиш учун бизга қуёш, ой, электр нури керак. Аммо, Ведалар бизни бу қоронғу зулматда қолиб кетмасликка - ёруғ оламга, руҳий оламга чиқиш олишга чақиради. “Қоронғу зулмат” сўзи икки маънони англатади. Зулмат деганда фақат ёруғликнинг йўқлигини эмас, балки ҳақиқий, руҳий илмнинг йўқлигини билдирадиган ғофилликни ҳам тушунадилар.

Парвардигорнинг хилма-хил қувватлари бор. Бу дунёда бирор ишни амалга ошириш учун Унинг шахсан Ўзи бу ерга келиб юришининг ҳождати йўқ. Ведаларда айтилганки, Парвардигор албатта Ўзи бажариши шарт бўлган ҳеч қандай иш йўқ. «Бхагавад-гита»да Кришнанинг Ўзи ҳам буни тасдиқлайди(3.22).

*на ме партхастхи картавайам
тришу лакешу кинчана
нанаваптам аваптавайам
варта эва ча кармани*

“Эй Притхининг ўғли, бутун уч оламда Мен қилишим шарт бўлган бирор иш йўқ. Мен ҳеч нарсага муҳтож эмасман, ҳеч нарсага интилмайман, шунга қарамай, Мен бу дунёга келганимда ҳамиша Ўз бурчимни бажариб яшайман”.

Кришна бу дунёга келганида албатта қандайдир ишларни бажариши шарт, деб ўйламаслик керак. Бутун оламда У билан тенг ёки Ундан ҳам буюкроқ бўлган бирор зот йўқ, табиатига кўра У барча илмларнинг мукамал билимдони. Илм ўрганиш учун У қаттиқ риёзатларга берилиши шарт эмас. Бунинг устига У илм олиши ҳам шарт эмас, чунки У ҳамиша, ҳар қандай

ҳолатда ҳам илмга тўла. У Аржунга «Бхагавад-гита» илмини ўргатади, лекин Унинг Ўзига ҳеч ким, ҳеч қачон бу илмни ўргатган эмас. Кришнанинг илоҳий ҳолати шундай, мана шуни англаб етган киши бу туғилиш ва ўлишлар оламида бошқа туғилмайди. Алданиш таъсири остида биз моддий оламда ҳамиша турли ҳаёт шароитларига мослашишга интилиб яшаймиз, лекин инсон бўлиб яшашдан мақсад бу эмас. Инсон ҳаёти Парвардигор, яъни Кришна ҳақидаги илоҳий илмни англаб етиш учун мўлжалланган.

Овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа, тананинг ҳаётини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳиссий лаззатлар моддий танамизнинг эҳтиёжларидир. Бундай эҳтиёжлар одамларда ҳам бор, ҳайвонларда ҳам. Бундай моддий эҳтиёжларни қондириш учун ҳайвонлар бутун ҳаётини сарфлайдилар, агар инсон бўла туриб, биз ҳам бутун умримизни фақат ана шу эҳтиёжларни қондириш учун сарфлаб яшасак, ҳайвонлардан фарқимиз қолмайди. Инсон ҳайвонлардан ягона бир хусусияти билан фарқ қилади. Ана шу хусусият - унинг ўз қалбида илоҳий онгни, Кришна онгини уйғота олиш қобилиятидир. Агар инсон ўзининг ана шу нодир, фақат инсонга хос бўлган қобилиятдан фойдаланмаса, демак унинг ҳайвондан фарқи йўқ. Ҳозирги замонда яшаётган одамларнинг бахтиқаролиги ҳам шундан иборатки, улар ҳайвонларники билан бир хил бўлган ана шу моддий эҳтиёжларга жуда катта аҳамият берадилар. Бизлар аслида руҳий мавжудотлармиз, бизнинг ҳақиқий масканимиз руҳий оламда, шунинг учун бу моддий оламдаги туғилиб-ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб қолишимиз лозим. Барча тирик мавжудотлар ичида фақат инсонларга ато этиладиган ана шу нодир имкониятни қўлдан бой бермаслик керак. Одамларга «Бхагавад-гита» илмини ўргатиш ва уларга Кришна онгини эгаллашда ёрдам бериш учун Шри Кришнанинг Ўзи бу оламга ташриф буюради. Аслини олганда бутун моддий борлиқ бизга Худони таниш, қалбимизда Кришна онгини уйғотиш учун бериб қўйилган. Лекин ана шундай бебаҳо инъом, нодир имконият бўлган инсон танасига эга бўлиб ҳам, ундан Худони, Кришнани англаш, қалбимизда Кришна онгини уйғотиш учун фойдаланмасак, энг нодир имкониятни қўлдан бой берган бўламиз.

Кришнани англаш жараёни жуда осон - *шраванам киртанам* - тинглаш ва такрорлаш. Биздан талаб қилинадиган ягона нарса - тинглаш, агар инсон Кришна ҳақидаги ҳикояларни диққат билан тинглаб юрса, у Худодо ҳақида, ягона Парвардигор ҳақида илмга эга бўлади. Кришна албатта бизга ёрдам беради, ахир У бизнинг қалбимизда жойлашган. Фақат бунинг учун озгина интилиш, Унга хизмат қилиш учун ҳар куни бироз вақт ажратиш керак. Биз руҳий жиҳатдан, Худони, Кришнани англаш йўлида юксалаямизми, йўқми - бировдан сўраб юришнинг ҳам ҳожати йўқ. Худди қорни оч одам овқат еган сайин қорни тобора тўйиб бораётганини ўзи сезгани сингари, биз ҳам Худого қанчалик яқинлашаётганимизни ўзимиз яққол ҳис қила бошлаймиз.

Руҳий ўзликни англашнинг, Худони англашнинг бу усули, яъни, Кришнани англаш жараёни қийин эмас. Унинг асосий мазмунини Кришна «Бхагавад-гита»да Аржунга тушунтириб берган. Агар биз «Бхагавад-гита»ни худди Аржун тушунгандай қабул қилсак, ҳеч қийналмасдан Худони англашда, руҳий ҳаётда барқамолликка эришамиз. Лекин, биз «Бхагавад-гита» таълимотини дунёвий билимларимиз асосида талқин қилмоқчи бўлсак - йўлдан адашамиз, алданиб қоламиз.

Аввал айтилганидай, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ақлимиз ойнасини ҳар хил моддий иллатлардан тозалайди. Кришна онги ҳар бир руҳда азалдан бор, лекин ҳозир у мудроқ ҳолатида, уни уйғотиш, қайта-тиклаш учун узокқа бориб юришнинг ҳожати йўқ. Фақат йоганинг мана шу туридан (Ҳаре Кришна маха-мантра такрорлаш усулидан) фойдаланиш керак, холос. Кришнани англашнинг бу усули ҳамиша мавжуд бўлган усул. Бу усул биров ўйлаб чиқарган янги таълимот ёки янги дин эмас. Ҳайвонми, одамми - ким бўлишидан қатъий назар, - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Кришна онги азалдан мавжуд. Беш юз йил олдин, Чайтания Махапрабху жанубий Ҳиндистонда ўрмон ичидан ўтиб борар экан, У Ҳаре Кришна мантрасини куйлай бошлаганида барча ҳайвонлар - йўлбарслар, филлар ва кийиклар - Унга жўр бўлиб, Худонинг муқаддас номлари садолари остида биргаликда рақсга туша бошладилар. Албатта, бундай ҳолат Худонинг муқаддас номларини соф ҳолда куйлаганда рўй беради. Агар биз мунтазам равишда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишда давом этаверсак, вақти келиб биз ҳам Худонинг муқаддас номларини соф ҳолда зикр қила бошлаймиз.

3. Қандай қилиб ҳамма жойда Худони кўра билишни ўрганиш мумкин.

Кришна бизга қалбимизда Кришна онгини уйғотиш учун ҳаётда қандай яшаш лозимлигини ўргатади. Бунинг учун ҳозир қилиб юрган ишларимизни ўзгартиришнинг ёки бирор фаолиятни бутунлай тўхтатишнинг умуман ҳожати йўқ. Шунчаки, қилиб юрган ишларимизни энди бошқа онг билан, яъни, Кришна онги билан, Худонинг хоҳишига мос равишда қила бошлашимиз лозим. Ҳар биримиз албатта қандайдир ишлар билан машғулмиз, лекин биз шу ишларни қандай ният, қандай фикр билан қиламиз? “Мен оиламни боқиш учун ишлашим керак!” - деб ўйлаймиз биз, одатда. Ҳар биримиз ўз нафсимизга, оиламизга, давлатга, жамятга хизмат қилишга интиламиз.

Ҳар қандай ишни амалга ошириш учун одам албатта маълум даражада ўйлаши, фикрлаши керак бўлади. Телба одамники сингари, ақли нотинч одам ҳеч қачон бирор ишни пухта бажара олмайди. Шунинг учун биз ўзимизга юкланган вазифаларни виждон билан бажаришимиз ва бу ишни Кришнани мамнун қилиш учун бажараётганимизни англаб етишимиз лозим. Қилаётган ишимизни эмас, бу ишни ким учун қилаётганимизни тушунишга ҳаракат қилиш лозим. Биз ўзимизга белгиланган вазифани холис бажаришимиз, лекин *кама*, яъни эҳтиросга, дунёвий моддий истаклар таъсирига берилиб кетмаслигимиз лозим. Санскритча *кама* ибораси "эҳтирос", "истак ва ҳиссий лаззатлар" маъносини англатади. Шри Кришна ўргатадики, биз *кама*, яъни, ўз сезгиларимизни лаззатлантириш учун ишламаслигимиз лозим. Мана шу қоида «Бхагавад-гита» таълимотининг асосини ташкил этади.

Жангда иштирок этиб, дўстлари ва қариндошлари билан жанг қилишдан бош тортиб, Аржун фақат ўз сезгиларининг талабини қондириш ҳақида ўйлаётган эди. "**Инсон ҳар бир ишни фақат Худони рози қилиш учун бажариши лозим**" эканига ишонтириш учун Кришна унга мурожаат қилди. Дунёвий нуктаи-назар билан қараганда Аржуннинг бу ҳаракати жуда олийжа-

ноб иш бўлиб кўринади: у салтанатдан бош тортди ва бунинг учун қариндошларини ўлдиришни истамади. Лекин Кришна унинг бу қарорини маъқулламади, чунки Аржун фақат ўз манфаатини кўзлаб, ўзининг сезгиларини қаноатлантириш истаги асосида шундай қарорга келган эди. Охир-оқибатда Аржун ўз бурчига содиқ қолди ва жангга кирди. Худди шундай, биз ҳам қилиб юрган ишимизни ёки касбимизни ўзгартиришимиз шарт эмас, биз фақат онгимизни ўзгартиришимиз лозим. Аммо, **онгини ўзгартириш учун инсон ҳақиқий илмга эга бўлиши керак.** Бу илм шундан иборатки, биз - Кришнанинг ажралмас зарраларимиз ва Унинг олий қувватига мансубимиз. Ҳақиқий, мутлақ илм мана шундан иборат. Нисбий илм ёрдамида биз машинани тузатишни ўрганишимиз мумкин, лекин мутлақ, ҳақиқий илмга эга бўлиш - ўзимиз аслида руҳий зарра эканзимизни, Кришнанинг ажралмас заррачаси эканзимизни англаб етишдир. Олий Бутуннинг ажралмас бўлаги бўлганимиз сабабли, оладиган чекланган лаззатларимиз ҳам Олий Бутуннинг лаззатланишига боғлиқ бўлади. Масалан, қўлим фақат бутун танам билан боғлиқ бўлган ҳолда, унга хизмат қилиб юрганидагина ҳақиқий қаноат ҳосил қилиши мумкин. Худди шундай, Кришнанинг ажралмас бўлаги бўлган ҳолда биз ҳам фақат Кришнага хизмат қилаётган пайтимиздагина ҳақиқий лаззат ҳис қиламиз. Шунга қарамай, бизларнинг ҳар биримиз шундай ўйга бораверамиз: “Кимгадир хизмат қилишдан мен бахтиёр бўлолмайман. Мен фақат ўзимга хизмат қилсамгина бахтиёр бўламан!” Лекин биз, аслида ўзимиз ким эканзимизни ҳам билмаймиз. Бизнинг ҳақиқий “мен”имиз - Кришнанинг бир зарраси бўлган пок рухдир.

*мамаивамишо жива-локе
жива-бхутах санатанаҳ
манаҳ шаитханиндрийани
пракрити-стхани каршати*

“Моддий оламдаги тирик мавжудотлар - Менинг мангу заррачаларимдир. Шартланган шароитга тушиб қолган ҳолда улар ҳозир ўзларининг олти хиссиёти билан қаттиқ кураш олиб борадилар. Улардан бири - ақл ҳисобланади”(15.7).

Моддий унсурлар билан қопланган ҳолатда бўлгани сабабли, ҳозир тирик мавжудот(жива)лар Олий Бутундан ажралган ҳисобланади. Шунинг учун биз Худони англаш жараёнида Кришна онгига эга бўлиш орқали Парвардигор билан қўшилишга интилиб яшашимиз лозим. Кришна онги ҳар биримизнинг қалбимизда мудроқ ҳолда азалдан мавжуд. Ўзимизнинг асл табиатимизга қарши бориб, биз Кришнани унутишга, Ундан ажралиб, мустақил яшашга ҳаракат қиламиз, лекин бунинг иложи йўқ. Кришнадан ажралиб, мустақил ҳолда яшашга уриниш билан биз моддий табиат қонунлари ҳукми остига тушиб қоламиз. Ўзини Кришнадан мустақил деб ҳисоблаган заҳоти тирик мавжудот Кришнанинг алдамчи қуввати(майя, шайтон) таъсири остига тушиб қолади. Бу худди ҳукуматни тан олмай, унинг қонунларига бўйсунмаган кишини ҳукумат милиция ходимлари ёрдамида ўзига бўйсундиришига ўхшайди. Ҳар бир тирик мавжудотга хос бўлган мустақилликка интилиш хусусиятини "майя", яъни, "алданиш" деб атайдилар. Биз ҳаётда мустақил бўлишга қанчалик ҳаракат қилмайлик - хоҳ ҳар ким ўзича бўлсин, хоҳ дўстлари билан биргаликда бўлсин, хоҳ бутун бир жамяят, давлат билан биргаликда бўлсин - бунга эришишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Биз ўзимизнинг ҳамиша Худого боғлиқ, Унга бўйсунган ҳолатда эканзимизни тушунган заҳоти ҳақиқий илмга эга бўламиз. Ҳозирги замонда миллионлаб одамлар

жаҳонда тинчлик ўрнатиш учун курашиб юрибдилар, лекин уларнинг бирортаси ҳақиқий тинчликка қандай эришиш йўлини билмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир неча йиллардан бери турли халқлар ўртасида тинчлик ўрнатишга уриниб келяпти, лекин шунга қарамай, барибир, ер юзида ҳалигача урушлар давом этяпти.

*йач чаи сарва-бхутанам
биджам тад ахам арджуна
на тад асти вина йат сйан
майя бхутам чарачарам*

“Бунинг устига, эй Аржун, бутун борликқа жон берадиган уруғлик - Мен бўламан. Кўзгалмас ёки кўзгалувчан бирор тирик мавжудот Менсиз мавжуд бўлиб туролмайди”(10.39).

Парвардигор, Кришна - бутун борлиқнинг эгаси ва ҳукмдори. У - ҳамма нарсадан лаззатланувчи ва ҳар қандай фаолиятнинг эгаси бўлган Зотдир. Қилаётган ҳар бир ишимизнинг натижаси фақат ўзимизники бўлади, деб ўйлаш ногўғри. Ҳар қандай фаолиятимиз натижаси охир-оқибатда Кришна учун мўлжалланган эканини тушуниб олиш керак. Катта фирмада юзлаб хизматчилар ишлаши мумкин, аммо улар яхши биладиларки, фирманинг барча даромадларидан фирманинг эгаси лаззатланади. Кассада ўтирган хазиначи: “Бу ердаги пулларнинг ҳаммаси меники, мен уларни уйга олиб кетаман!” - деб ўйлаган заҳоти турли муаммоларга дуч келади. Агар биз ўз бойлигимиздан нафсимизни кондириш учун фойдалана оламиз, деб ўйласак, барча амалларимиз *кама*, эҳтирос таъсири остида бажарилган бўлади. Қачон "ўзимники" деб юрган нарсаларнинг ҳаммаси аслида Кришнаники эканини тушуниб етсак, биз ҳақиқий озодликка чиқамиз. Биз қандайдир бойликка, пулга эга бўлишимиз мумкин, лекин агар биз "бу бойлик, бу пуллар меники" деб ўйласак, *майя* таъсири остида юрган бўламиз. Ҳамма нарса аслида Кришнаники эканини англаб етган киши ҳақиқий илмга эга инсондир.

*ишавасйам идам сарвам
йат кинча жагатйам жагат
тена тйактена бхунжитха
ма гридхаҳ касйа свид дханам*

“Барча жонли ва жонсиз мавжудотлар Парвардигорнинг ҳукми остида бўлиб, Унинг мулки ҳисобланади. Шунинг учун ҳар ким фақат ўзига ажратилган ва эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсалардангина фойдаланиши, ҳамма нарса кимнинг мулки эканини эсдан чиқармаган ҳолда, ўзиники бўлмаган бирор нарсага кўз олайтирмаслиги керак”(Ишопанишад.1).

Ишавасйам қонуни ҳамма нарса Кришнаники эканини билдиради. Мана шу қонунга амал қилиб яшашни алоҳида ҳар бир шахс ҳаётида ҳам, ҳар бир миллат, бутун жаҳон ҳаётида ҳам қайта тиклаш лозим. Шундагина бутун ер юзида барқарор тинчлик ўрнатилади. Баъзан қалбимизда эзгуликка, инсонпарварликка интилиш туйғусини ҳис қиламиз - оиламиздагилар билан, ватандошларимиз билан, бутун жаҳондаги ҳамма одамлар билан дўстона муносабатда бўлишга интиламиз, лекин бундай интилишлар ҳаёт ҳақидаги ногўғри тасаввурга асосланган бўлади. Ҳаммамизнинг ҳақиқий дўстимиз - ягона Парвардигор, Кришна, демак ўз оиласига, миллатига ёки бутун жаҳон халқларига фойда келтиришни истаган киши фақат Кришна учун хизмат қилиши лозим. Агар биз ҳақиқатан ҳам оиламиздагиларнинг бахтини ўйласак, уларнинг ҳаммасининг Кришна онги билан яшаши ҳақида қайғуришимиз лозим. Атрофимиздаги одамларнинг ҳар бири ўз

оиласига бахт-саодат келтиришни ўйлаб юрибдилар, афсуски уларнинг кўлидан ҳеч нарса келмаяпти. Улар бунга қандай эришиш йўлини билмайдилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганидай, ўзига қарам одамларни моддий табиат қонунлари чангалидан қутқара олмайдиган, уларни муқаррар ўлиш ва туғилиш азобидан сақлай олмайдиган кишининг ота-она, раҳбар ва рухий устоз бўлишга ҳаққи йўқ. Оиланинг отаси Худо ҳақидаги илмга эга бўлиши ва оиласидаги руҳлар яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолмаслиги учун кўлидан келганча ҳаракат қилиши керак. У ўз фарзандларига шундай таълим-тарбия бериши лозимки, токи улар бундан кейин ўлиш ва туғилиш билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатларга ҳеч қачон дучор бўлмасинлар. Кришнани англаш таълим-отини ўрганиб, у нафақат ўз фарзандларига, балки бутун жамиятга, бутун жаҳон халқларига ёрдам бера олади. Агар инсон ўзи ғофиллик чангалига тушиб қолган бўлса, қандай қилиб у бошқаларга ёрдам бера олади, қандай қилиб у ўзига ўхшаб ғофиллик чангалида ётганларни озодликка чиқара олади? Бировларни озодликка чиқариш учун энг аввало биз ўзимиз озод бўлишимиз лозим. Ҳозир бизларнинг ҳеч биримиз озод эмасмиз, чунки ҳаммамиз моддий табиат қонунлари таъсири остида яшаймиз. Лекин, инсон ўз ихтиёрини Кришнага бугунлай топширганида *майя* уни безовта қилмай қўяди. Ана шундай одам ҳақиқатан ҳам рухий озодликка эришган инсон ҳисобланади. Куёш чараклаб турган жойда зулматга ўрин йўқ, сунъий яратилган ёруғлик эса, барибир ўчиб қолади. Кришна куёшга ўхшайди. Кришна бор жойда ҳеч қандай зулмат ва ғофиллик бўлиши мумкин эмас. Буюк донишмандлар, махатмалар буни яхши биладилар.

ахам сарвасйа прабхаво маттах сарвам правартате
ити матва бхаджанте мам будха бхава-саманвитах
"Мен - барча рухий ва моддий оламлар манбаиман. Ҳамма нарса Мендан яралган. Бу ҳақиқатни англаб етган донишмандлар Менга садоқат билан хизмат қилиб, бутун қалби билан Менга сажда қиладилар"(10.8).

Бу шеърда *буддха*, яъни, "донишманд, мукамал илмга эга киши" ибораси ишлатилган. Ундай инсонни қандай таниш, уни бошқалардан қандай ажратиб олиш мумкин? Ундай инсон "Кришна - бутун борлиқнинг манбаи" эканини билади. Атрофидаги ҳамма нарса Кришнадан чиққани унга маълум. Масалан, бу дунёда ҳамма тирик мавжудотларни ҳаракатга келтириб турган асосий куч - жинсий алоқадан лаззатланишга интилиш туйғусидир. Ҳар турли ҳаёт шаклидаги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ўз жуфти билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишга интиладилар, лекин ана шу интилишнинг манбаи қаерда? Донишманд киши биладики, бундай интилиш аслида Кришнада бор, бу интилиш Унинг Враджадаги ёш қизлар билан бўлган ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Бу дунёда бор нарсаларнинг ҳаммаси Кришнада ҳам бор, фақат Кришнадаги ҳамма нарса мукамал кўринишда. Моддий оламдаги ҳамма истаклар ва ўзаро муносабатлар бузилган кўринишда намоён бўлган, аммо Кришнада улар соф, рухий кўринишда. Шуларнинг ҳаммасини мукамал англаб етган киши Кришнанинг асл содиги бўлади.

махатманас ту мам партха
даввим пракритим ашритах
бхаджантй ананйя-манасо
джнатва бхутадам авйайам
сататам киртайанто мам
йатанташ ча дридха-вратах

намасйанташ ча мам бхактйа нитйя-йукта упасате
"Эй Притхининг ўғли, алданиш чангалидан халос бўлган буюк руҳлар илоҳий қувват химояси остида бўладилар. Улар чарчамасдан Менга хизмат қиладилар, чунки улар Мен - азалий ва туганмас Парвардигор, Худонинг Олий Шахси эканимни билладилар. Ҳамиша Менинг улуғворлигимни шарафлаб қуйлаб, қатъий ишонч ва шижоат билан ҳаракат қилиб, чуқур эҳтиром билан Менинг олдимда сажда қилиб, бу буюк руҳлар ҳаммиша Менга чуқур мухаббат ва садоқат билан хизмат қиладилар"(9.13-14).

Қандай одамни *махатма*, "буюк зот" деб аташ мумкин? *Махатма* - Худо Шахсининг, яъни, Парвардигорнинг олий қувватига бўйсуниб яшайдиган инсон. Ҳозир бизлар Парвардигорнинг қуйи қувватининг ҳукми остидамиз. Биз, яъни, тирик мавжудотлар ана шу қувватлар орасидаги оралиқ қувватга мансуб зотлармиз, шу боис шу қувватларнинг истаган бирининг таъсири остида бўла оламиз. Кришна бутунлай мустақил Зот, биз ҳам Унинг ажралмас заррачалари сифатида озгина мустақилликка эгамиз. Шунинг учун бизга қайси қувват таъсири остида бўлишни ўзимиз танлаш эркинлиги берилган. Парвардигорнинг олий қуввати ҳам мавжудлигини билмаганимиз сабабли, биз Унинг пастки, қуйи қуввати таъсири остида қолишдан бошқа иложимиз йўқ.

Баъзи файласуфларнинг фикрига кўра, ҳозир бизни ўраб турган табиатдан бошқа табиат йўқ ва унинг таъсиридан қутулиб кетишнинг ягона йўли - уни инкор этиш ва бўшлиққа қўшилиб кетишдир. Лекин, мангу тирик мавжудот бўлган ҳолда, биз ҳеч қачон бўшлиққа қўшилиб, мутлақо йўқ бўлиб кетолмаймиз. Тана алмаштириш, яъни, ўлиш - биз биратўла йўқ бўлиб кетамиз дегани эмас. Моддий табиат таъсири остидан чиқиш учун биз биринчи навбатда ҳақиқий уйимиз, ҳақиқий ўрнимиз қаерда эканини, қаерга интилишимиз лозимлигини билиб олишимиз керак. Қаерга боришини билмай туриб, одам ўзича даъво қилади: "Олий қувват билан қуйи қувватнинг фарқи нима, мен тушунмайман. Мен мана шу оламдан бошқа олам борлигини билмайман, шунинг учун яхшиси шу ерда қолиб, чексиз азоб-уқубатлар ичида яшайвераман!" Аммо «Бхагавад-гита» бизга олий қувват, олий табиат ҳақида хабар бериб, шу ҳақиқатни бизга ошкор этади.

Кришна нима ҳақда гапирмасин, Унинг айтган гаплари ўзгармас, мангу. Худди Аржун сингари, биз ҳам кундалик турмушда қилиб юрган одатдаги ишларимизни ўзгартиришимизга ҳеч қандай зарурат йўқ; ўзгартириш лозим бўлган ягона нарса - бизнинг онгимиз. Ҳозир биз ҳар бир ишдан шахсий манфаат кўзлаб ҳаракат қиляпмиз, аммо аслида ҳатто ўзимизнинг ҳақиқий фойдамиз нимада эканини ҳам билмаймиз. Аслида биз ҳозир ўзимизга эмас, сезгиларимизга фойдали бўлган ишларни қилиб юрибмиз. Нима иш қилсак ҳам, биз сезгиларимиз талабини қондириш учун қиламиз. Биз айнан мана шундай фикримизни, ана шу онгимизни ўзгартиришимиз керак. Биз ана шу онгни ўзимизга ҳақиқий фойда келтирадиган бошқа онг билан, яъни, Кришнанинг онги билан алмаштиришимиз лозим.

Бунга қандай эришиш мумкин? Умримизнинг ҳар бир дақиқасида Кришна онги билан яшашга қандай эришса бўлади: Бунинг учун Кришна бизга энг осон йўлни кўрсатиб қўйибди.

расо хам апсу каунтейа прабхасми шаши сурйайоҳ
пранавах сарва-ведешу шабдах кхе паурушам нришу

“Эй Кунтининг ўгли, сувнинг таъми - Менман, Куёш ва Ойнинг нури - Менман, ведавий мантралардаги “оум” бўғини - Менман; Мен - эфирдаги товушман, инсондаги талант, иқтидорман”(7.8).

Бу ерда Кришна бизга қандай қилиб ҳамшиша, ҳамма вақт Кришна онги билан яшаш мумкинлигини тушунтиряпти. Барча тирик мавжудотлар сув ичадилар. Сувнинг таъми жуда ёқимли. Чанқаган пайтимизда чанқогимизни ҳеч нарса сувдан яхшироқ кондира олмайди. Тоза сувнинг таъмини сунъий равишда яратишнинг иложи йўқ. Сув ичаётиб биз Худони, Кришнани эслашимиз мумкин. Биз ҳар кун сув ичишга мажбурмиз, агар биз шу ишни Кришна онги билан қилиб юрсак, қандай қилиб Худони, Кришнани эсдан чиқариш мумкин?

Худди шундай, ёруғлик ҳам - Кришна. Бошланғич ёруғлик - руҳий осмондаги ёруғлик Кришнанинг руҳий танасидан таралиб туради. Моддий оламга бу ёруғлик ўта олмайди, чунки моддий олам қалин қобиқ билан ўралган. Моддий олам шундай яратилганки, унда ҳамшиша қоронғу зулмат ҳукмрон. Буни тунда ўзингиз ҳам сезасиз. Шунинг учун коинот сунъий равишда Куёш ёрдамида, кечаси эса, ойда акс этган куёш нури ёрдамида, электр чироклари ёрдамида ёритилади. Мана шу ёруғликларнинг барчаси қаердан чиқади? Куёш нурининг манбаи *брахмажйоти*, руҳий олам ёғдусидир. Руҳий оламда куёш ҳам, ой ҳам, электр нури ҳам керак эмас - у жойда ҳамма нарса *брахмажйоти* ёғдуси билан ёритилган. Аммо бу ерда, Ер сайёрасида куёш нури бизга Кришнани эслатиб туради.

“Оум” бўғинидан бошланадиган ведавий мантралар ҳам бизга Кришнани эслашга ёрдам беради. “Оум” бўғини ҳам, Ҳаре Кришна мантриси сингари, Кришнага мурожаат ҳисобланади, демак, “оум” ҳам Кришна. *Шабдаҳ* ибораси “товуш” деган маънони билдиради, биз қандай товуш эшитсак ҳам, унинг бошланғич азалий манбаи соф руҳий товуш, “оум” ёки “Ҳаре Кришна” эканини эсда тутишимиз лозим. Моддий оламдаги барча товушлар аслида азалий, руҳий табиатга эга бўлган “оум” товушининг бузилган акс садоладир.

Шундай қилиб, биз қандайдир товушни эшитганимизда, сув ичганимизда, ёруғликни кўрганимизда, уларнинг манбаи бўлган Парвардигорни эслаш оламиз. Агар биз кундалик турмушда ҳамшиша шунга одатланиб қолсак, ҳеч қачон Худони, Кришнани эсдан чиқармаймиз. Кришнани англаш усулининг моҳияти шундан иборат. Биз шу тарзда кун бўйи Кришнани эслаб юришимиз мумкин, шунда Кришна ҳам ҳамшиша биз билан бирга бўлади. Албатта, У ҳамшиша биз билан бирга, лекин биз буни ўзимиз эслаганимизда ҳақиқатан ҳам У ёнимизда эканини яққол ҳис қила бошлаймиз.

Ягона Парвардигор, Кришна билан алоқа боғлашнинг тўққиз тури мавжуд, улардан биринчиси - *шраванам*, тинглаш. «Бҳагавад-гита»ни овоз чиқариб ўқиш билан биз бевосита Кришнанинг гапларини тинглаймиз, демак, Кришнанинг Ўзи билан суҳбатлашаётган бўламиз. Биз **Кришна** деганда ҳамма учун ягона бўлган **Худони**, **ягона Парвардигорни** назарда тутаётганимизни эсдан чиқармаслик керак. Кришна билан ҳамсуҳбат бўлиб, Унинг сўзларини ва муқаддас номини тинглаш орқали биз аста-секин моддий иллатлардан покланамиз. Кришна товушнинг, сувнинг, ёруғликнинг таркибида ҳам мавжуд эканини тушуниб етганимизда биз ҳеч қачон Уни эсдан чиқармаймиз. Агар шу тарзда ҳамшиша Кришнани эслаб юрсак, демак, биз ҳамшиша У билан бирга, У билан суҳбатлашиб юрган бўламиз.

Кришна билан алоқа боғлаш куёш ваннасини қабул қилишга ўхшайди. Маълумки, куёш нурлари ҳар қандай

иллатлардан поклашга, ҳар хил инфекцияни тозалашга қодир. Ультрафиолет нурлари ҳар қандай касалликнинг олдини олишга ёрдам беради, шунинг учун ғарбий давлатларда врачлар ҳар хил касалликларга қарши куёш ваннасини тавсия этадилар, Ведаларда эса, бемор одам ўзининг саломатлигини тиклаш учун Куёшга сажда қилиши лозимлиги ёзилган. Худди шундай, ҳамшиша Кришна билан ҳамсуҳбат бўлиб, қалбимизда Кришна онгини уйғотиб биз руҳий жиҳатдан соғлом юрамиз. Биз Ҳаре Кришна мантрисини зикр қилиш орқали Кришна билан бевосита мулоқот қилишимиз мумкин; бунинг устига биз Уни Куёш ёки Ой сифатида кўришимиз, товуш сифатида тинглашимиз, сувнинг таъми сифатида ҳис қилишимиз мумкин. Афсуски, ҳозирги адашган ҳолатимизда биз Кришнани эслаш олмаймиз. Лекин биз инсон сифатида ҳамшиша Кришна ҳақида ўйлаб юришга ва руҳий ҳаётга қайтишга ўрганишимиз лозим.

Шраванам киртанам - тинглаш ва тақорлаш усулини одамларга Чайтанья Махапрабху тавсия қилган. У Ўзининг дўсти ва буюк содиғи Рамананда Рай билан суҳбатлашар экан, ундан ўзликни англашнинг қайси йўли энг самарали эканини сўради. Рамананда Рай *варнашрама-дхарма, санниаса* (таркидунёлик), яъни, ҳар қандай фаолиятдан бутунлай воз кечиш сингари бир неча йўллارни айтди. Аммо Чайтанья Махапрабху: “Йўқ, буларнинг бирортаси ҳам яроқли эмас!” - деди. Рамананда Рай ҳар гал янги усул айтганида, Чайтанья Махапрабху унинг айтган йўлини инкор этиб, бундан ҳам самаралироқ бошқа йўл айтишни таклиф қиларди. Охир-оқибатда Рамананда Рай инсонни Худони фалсафий фикрлашлар ёрдамида англаб олишга уринишни тарк этишга чақирадиган бир мақолни айтди, чунки, бундай йўллар билан Мутлак Ҳақиқатга яқинлашиб бўлмайди. Масалан, дунёвий олимлар осмонда биздан шунча олисда бўлган Ой ва юлдузлар ҳақида ҳар хил тахминлар ўйлаб топишлари мумкин, лекин токи тажриба ўтказиб, уларга бориб, тахминларини исботламагунча, ҳеч қачон бирор тўғри хулосага келиб бўлмайди. Умр бўйи ҳар хил тахминлар ўйлаб топиш билан овора бўлиб, ҳеч қандай натижага эришмай юравериш мумкин.

Бу гаплар айниқса ўз тахминлари, ақли, тафаккури ёрдамида мустақил ҳолда Худони англаб етишга уриниб юрган одамларга тааллуқли. Бундай йўл билан Худони излаш - мутлақо бемаъни иш. Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам" бизни ҳар хил назария ва таълимотларни тарк этишга, камтарин ҳолда, ўзимизнинг жуда кичик арзимас руҳий заррача эканимизни, ҳатто биз яшаётган катта Ер сайёраси ҳам, чексиз борлиқ, коинот ичидаги арзимас бир нукта сингари арзимас кичик зарра эканини тан олишга чақиради. Нью-Йорк кимгадир жуда катта шаҳар бўлиб кўриниши мумкин, лекин агар Ер сайёраси коинотда жуда кичик зарра эканини, Ер юзида эса, Америка Қўшма Штатлари унча катта бўлмаган жойни эгаллашини, Америка харитасида эса, Нью-Йорк шаҳри кичкина бир нукта бўлиб кўринишини, Нью-Йоркда яшайдиган одам эса, шу шаҳардаги миллион-миллион одамлардан биттаси эканини англаш олсак, шунда биз ўзимиз ўйлагандай жуда катта аҳамиятга эга зотлар эмаслигимизни тушуна оламиз. Коинотда, бутун борлиқда, Парвардигор олдида шунчалик арзимас бир зарра эканимизни англаб етгандан кейин, биз сохта манманликни, мағрурликни тарк этиб, асл ҳолатимизга мос равишда камтар бўлишимиз лозим. “Қурбақалар фалсафаси”нинг қопқонига тушиб қолмасликка ҳаракат қилиш керак. Кичкина қудук ичида яшайдиган

қурбақага Атлантика океани ҳақида гапириб берганларидан у океан билан қизиқиб савол бера бошлабди:

- Атлантика океани нима ўзи?

- Жуда катта сув ҳавзаси - деб жавоб беришибди унга.

- Жуда катта? Мен яшаётган қудуқдан икки баравар катта бўлса керак?

- Йўқ, жудаям катта! - дебдилар унга.

- Неча марта катта? Менинг қудуғимдан ўн марта каттами? - тасаввур қилишга урина бошлабди қурбақа.

Лекин, ҳеч қачон қудуқдан чиқиб кўрмаган, чекланган тасаввурга эга бўлган қурбақа катта океанни кўз олдига келтира олармиди?

Худди шундай, бизнинг тажрибаларимиз, жисмоний ва ақлий имкониятларимиз ҳам жуда чекланган. Бизнинг қўлимиздан қурбақанинг фалсафасига ўхшаган фалсафа ўйлаб чиқаришдан бошқа ҳеч нарса келмайди. Шунинг учун Худони фақат ўз кучига ишониб англаб етишга уринаётган одамларга "Шримад Бхагаватам" бундай бемаъни, бефойда ишларга бекорга вақт сарфлаб ўтирмасликни маслаҳат беради.

Худони, ягона Парвардигорни фалсафий йўл билан англаб етишга уринишни тарк этган киши нима қилишни керак? "Шримад Бхагаватам" ундай одамларни каттарин ҳолда Худонинг бизга бериб қўйган, фақат инсонларга нозил қилган хабарини тинглашга чақиради. Парвардигорнинг хабари «Бхагавад-гита» ва бошқа ведавий муқаддас китобларда - Библияда, Қуръонда - ҳар бир ишончли муқаддас китобда келтирилган. Бундан ташқари, Худони англаб етган авлиё инсонлардан ҳам Худо, ягона Парвардигор ҳақидаги маълумотларни билиб олиш мумкин. Яъни, биз ўзимиз ҳар хил тахминлар асосида фикр юритишни тарк этиб, Худо ҳақидаги илмни ишончли руҳий устозлар орқали ўрганишимиз лозим. Бундай ҳикояларни тинглаш натижасида нимага эришамиз? Ҳар қандай одам - бою-камбағал, америкалик, европалик, хиндистонлик, брахман ёки шудра - агар Парвардигорнинг инсонлар учун нозил қилиб қўйган илоҳий хабарларига қулоқ солса, унинг қалбида табиий равишда Худога нисбатан муҳаббат туйғуси уйғона бошлайди, шунда у бирор куч, қудрат ёрдамида ҳеч ким бўйсундира олмайдиган Парвардигорни ўзининг соф муҳаббати билан ўзига бўйсундириб олади. Аржун Кришнанинг дўсти эди, Кришна эса, Худонинг Олий Шахси, ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Парвардигор бўлишига қарамай Аржуннинг жиловдори, яъни, хизматкори бўлди. Аржун Кришнани каттик севар, шу боис Кришна ҳам унга шундай муҳаббат билан жавоб берарди. Болалигида эса, Кришна ўйнаб юриб, Махараж Нанданинг оёқ кийимини ўзининг бошига қўйиб кўтариб юрар эди.

Одамлар бор кучларини ишга солиб, зўр бериб Худо билан тенглашишга уринадилар, Худонинг содиқлари эса, Худо Шахсининг отаси бўлиб, ҳеч қийналмасдан Худодан ҳам каттароқ мартабага эришадилар. Албатта, Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг отаси, Унинг отаси йўқ, лекин У содиқ хизматкорининг, ўзини чексиз севадиган содиғининг ўғли бўлишга рози бўлади. Ана шундай содиқ хизматкорига Кришна ўзига ҳукмронлик қилишга, буйруқлар беришга руҳсат беради. Шунинг учун бизга қўйиладиган ягона шарт - Худо ҳақидаги ҳикояларни ишончли одамлардан, Худонинг асл содиқларидан диққат билан мунтазам тинглаб юришдан иборат.

«Бхагавад-гита»нинг еттинчи бобида Кришна қандай қилиб Парвардигорни ҳамиша, ҳамма жойда кўриб юриш мумкинлигини тушунтиради.

пунйо гандхаҳ притхивийам ча

*теджаши часми вибхавасау
живанам сарва-бхутешу
тапаши часми тапасвишу*

“Мен - Ернинг азалий, бошланғич ҳидиман, оловнинг тафтиман, барча тирикларнинг ҳаёти ва риёзатчиларнинг риёзатиман” (7.9).

пунйо гандхаҳ ибораси “муаттар ҳид” деган маънони англатади. Фақат Кришна ёқимли ҳидларни ярата олади. Одамлар ҳам ҳар хил ҳидларни бир-бири билан аралаштиришни ўрганиб олганлар, лекин бу ҳидлар табиий, бошланғич ҳидлар сингари яхши эмас. Гулнинг муаттар ҳидини ҳидлаб, биз “Мана Худо, мана Кришна!” - деб ўйлашимиз мумкин. Табиатнинг бениҳоя гўзаллигини томоша қилар эканмиз, биз “Бу - албатта Кришна!” - деб Худони эслашимиз мумкин. Кимнингдир қандайдир ғайритабиий мўъжиза яратганини кўриб: “Бу аслида Кришнанинг қудратининг намоён бўлиши!” - деб ўйлашимиз мумкин. Дарахтми, ҳайвонми ёки одамми, ҳар қандай тирик мавжудотнинг ҳаракатларини кузатар эканмиз, биз ундаги ҳаёт бағишловчи куч - Кришнанинг ажралмас бир бўлаги, руҳий заррача экани ҳақида ўйлашимиз лозим, чунки ана шу руҳий зарра, жон чиқиб кетган заҳоти тирик мавжудотнинг танаси дарров бузилиб, емирила бошлайди.

*биджам мам сарва-бхутанам
виддхи партха санатанам
буддхир буддхиматам асми
теджас теджасвинам ахам*

“Эй Притхининг ўғли, билсанг бутун борлиқнинг бошланғич уруғи - Менман, талантли, иқтидорли одамларнинг таланти, тафаккури ва қудратли одамлар қалбидаги жасорат - Менман” (7.10).

Бу ерда яна бир марта аниқ-равшан айтилганки, Кришна - барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти, жони. Демак, биз Кришнани, Худони ҳар қадамда кўриб юрамиз. Баъзан бизга шундай савол билан мурожаат қилиб қоладилар: “Сиз менга Худони кўрсата оласизми?” - “Ҳа, албатта!” Худони ҳамма жойда кўриш мумкин. Лекин, сиз кўзингизни қаттиқ юмиб олиб: “Мен Худони кўришни истайман!” - десангиз, қандай қилиб Уни кўра оласиз?

Бу ердаги *биджам* ибораси "уруғ" деган маънони билдиради, яна бу уруғнинг мангу(*санатана*) экани айтилган. Масалан, қудратли дарахт қаердан пайдо бўлади? Мангу уруғдан. Ҳаёт уруғи ҳар бир тирик мавжудотнинг ичида мавжуд. Бутун умримиз давомида бизнинг танамиз ҳар хил ўзгаришларга учрайди: онанинг қорнида пайдо бўлади, дунёга келади, чақалоқ, ёш бола, ўспирин, катта одам бўлади - аммо тананинг ичидаги ҳаёт кучи, ҳаёт уруғи, руҳ(жон) ўзгармай қолаверади. Шунинг учун уни *санатана* деб атайдилар. Танамиз ҳар лаҳза, ҳар дақиқа сайин қандай ўзгариб турганини биз сезмаймиз. Аммо, *биджам*, уруғ, руҳий зарра - ўзгармай, ўзининг азалий, бошланғич ҳолатида қолаверади. Кришна айтяптики, ҳар бир тирик мавжудотнинг ичидаги ҳаёт кучи, мангу уруғлик - Унинг ўзи, яъни, Парвардигор бўлади. Иқтидорли одамларнинг кучли тафаккури ҳам Кришна. Кришнанинг марҳаматсиз биз ҳеч қачон чуқур тафаккурга эга бўлолмаймиз. Ҳар ким бошқалардан ақлироқ бўлишга интилади, лекин агар Кришнанинг марҳамати, Худонинг хоҳиши бўлмаса ҳеч ким бунга эриша олмайди. Шунинг учун ғайритабиий тафаккурга эга бўлган талантли кишини кўрганда, биз ундаги талант - Кришна эканини эслашимиз лозим. Худди шундай, инсоннинг жисмоний кучи ҳам Кришнадан чиқади.

*балам балаватам чахам кама-рага-виварджитам
дхармавируддхо бхутешу камо сми бхаратаршабха*
“Мен - хирс ва эхтиросдан пок бўлган қудратли зотлардаги жисмоний кучман. Худонинг қонунарига зид бўлмаган жинсий ҳаёт - Менман, эй бхаратлар сардори”(7.11).

Фил ва горилла - жуда қудратли ҳайвонлар, лекин улар ҳам ўз кучини Кришнадан олиб турганини тушуниш керак. Инсон ҳеч қачон ўзидан ўзи кучли бўла олмади, лекин агар Худо хоҳласа, уни филдан ҳам минг марта кучлироқ қилиб қўйиши мумкин. Айтишларига қараганда, Курукшетра жангида қатнашган Бхиманинг билагида минг филнинг қуввати бўлган.

Худонинг қонунарига зид бўлмаган шахвоний хирс, эхтиросда ҳам Кришнани кўра билиш керак. Хирс, эхтирос нима ўзи? Одатда шахвоний эхтирос деганда жинсий алоқага бўлган интилишни назарда тутадилар, лекин бу ерда *кама* ибораси Худонинг қонунарига зид бўлмаган жинсий алоқани, яъни, фақат зурёд қолдириш мақсадида бўладиган жинсий алоқани билдиради. Такводор, Худони англаб етадиган комил фарзандларни тарбиялаш қўлидан келадиган киши жинсий алоқа қилиб минглаб фарзандларни дунёга келтириши мумкин, аммо, онги ит-мушукларники сингари, фақат ҳайвоний эхтиёжини қондиришдан бошқа нарсага ақли етмайдиган ҳайвонсифат фарзандларни дунёга келтирадиган бўлсангиз, сизнинг жинсий ҳаётигиз Худонинг қонунарига зид бўлади. Худонинг қонунарини тан олиб, уларга риоя қилиб яшайдиган маданиятли, ҳақиқий такводор инсонлар ҳалол, такводор инсонларни дунёга келтириш учун фақат ўзининг хасми-ҳалоли билан жинсий алоқа қиладилар. Шунинг учун диний никоҳ доирасида, фақат фарзанд кўриш учун бўладиган жинсий алоқа - Худонинг қонунарига мос, никоҳдан ташқарида бўладиган ҳар қандай жинсий алоқалар эса, - ноқонуний жинсий алоқа, зино деб аталади. Аслини олганда Худонинг қонунарига қатъий риоя қилиб яшаётган оилали киши билан таркидунё қилган *саннийаси* орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

*йе чаива саттвика бхава раджасас тамасаш ча йе
матта эвети тан виддхи на тв ахам тешу те майи*
“Билсанг, эзгулик, эхтирос ёки ғафлат гунасидами - тирикликнинг ҳар қандай ҳолатини Менинг қувватим яратади. Умуман олганда ҳамма нарса - Мен Ўзимман, лекин айни пайтда Мен мутлақо мустақил ҳолда қолавераман. Мен моддий табиат гуналарига бўйсунмайман, аксинча улар Менинг назоратим остида ҳаракат қилади” (7.12).

Кимдир Кришнага савол бериши мумкин: “Сен - товуш, сув, ёруғлик, хид, барча тирик мавжудотларнинг уруғи, куч ва эхтирос - Менман” деб айтгансан. Демак, Сен фақат эзгулик гунасида мавжудмисан?” Моддий оламда моддий табиатнинг уч гунаси мавжуд - эзгулик, эхтирос ва ғафлат гунаси. Шу пайтгача Ўзини таърифлар экан, Кришна фақат эзгулик гунасидаги сифатларни мисол келтирганди. Бошқа гуналарчи? Уларда Кришна йўқми? Бунга жавобан Кришна айтадики, моддий оламдаги ҳамма нарсалар моддий табиатнинг уч гунаси аралашмасидан иборат ва ана шу гуналарнинг ҳаммасини Унинг Ўзи яратиб қўйибди. Бу гуналар Кришнадан чиққан, шунинг учун улар Кришнада мавжуд, лекин Кришнанинг Ўзи уларнинг таъсирига тушиб қолмайди, чунки Кришна табиат гуналарига нисбатан ҳамиша илохий ҳолатда. Демак, агар Кришна уни юзага келтириб турган бўлса, ғафлат гунасининг натижаси бўлган зулм ҳам Кришнанинг намоён бўлишидир. Нимага? Буни қуйидаги мисол билан изоҳлаш мумкин. Электр қуввати станциядаги муҳандис назорати остида

ишлаб чиқарилади. Уйларимизда ана шу қувват иссиқлик берадиган печкага ёки совуқлик берадиган кучга айланади, аммо электр ишлаб чиқараётган муҳандиснинг умумий қуввати учун иссиқ билан совуқнинг мутлақо фарқи йўқ. Худди шундай тирик мавжудотлар ҳам моддий табиатнинг намоён бўлган кўринишларини турлича қабул қилишлари мумкин, аммо Кришнанинг Ўзи учун бундай қарама-қаршилиқлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Худди электр қуввати ишлаб чиқараётган муҳандисга қувватни иссиқ билан совуққа ажратишнинг ҳолати бўлмагани сингари, баъзида Кришна эхтирос ёки ғафлат гунаси таъсирида ҳаракат қиладигандай бўлиб кўринса ҳам, аслида Унинг учун Ўзидан бошқа бирор нарса мавжуд эмас.

Кришна - бутун борликнинг манбаи. Буни "Веданта-сутра" ҳам тасдиқлайди: *атхато брахма-жигжнаса, жанмадй асйа йатах* – **“Ҳамма нарса Олий Мутлақ Ҳақиқатдан чиқади”**. Яхшилик ва ёмонлик деган тушунчаларни шартланган ҳолатда яшаётган тирик мавжудотлар ўйлаб чиқарганлар. Аммо, Кришна ҳеч қандай шартланган ҳолатга тушмагани сабабли, Унинг учун на яхшилик, на ёмонлик умуман мавжуд эмас. Биз моддий олам шароитида шартланган ҳолатда яшаймиз, шу боис қарама-қаршилиқларнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишлари таъсиридан қийналиб яшаймиз, аммо Парвардигор Кришна учун ҳамма нарса мукамал, мутлақ табиатга эга.

4. Донишмандлар ҳамда нодонлар танлаган йўллар

Шундай қилиб, «Бхагавад-гита»да Худо Шахси, Парвардигор Кришнанинг Ўзи бизга Ўзи ҳақида гапириб, Ўзининг қандай эканини таърифлаб беради. Лекин барибир У бизни Ўзига жалб этолмайди. Нимага? Кришнанинг Ўзи буни шундай тушунтиради:

*трибхир гунамайаур бхаваур
эбхиҳ сарвам идам жагат
мохитам набхиджанати
мам эбхйах парам авйайам*

“Моддий табиат гуналари(эзгулик, эхтирос ва ғафлат гунаси) йўлдан адаштириб қўйгани сабабли бутун олам аҳли гуналар таъсир қилолмайдиган, чексиз табиатга эга бўлган Мен ҳақимда ҳеч нарса билмайди”(7.13).

Бу оламдаги ҳамма нарса моддий табиатнинг уч гунасида таркиб топган. Ҳар бир тирик мавжудот уларнинг ҳукми остида яшайди. Эзгулик гунаси таъсири остидаги одамларни *браҳман* деб атайдилар, эхтирос гунаси таъсири остида яшайдиганларни *кшатрий* деб атайдилар, *вайшйя* эхтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида, *шудра* эса, ғафлат гунаси таъсири остида яшайди. Инсоннинг жамиятдаги қайси табақага мансуб экани унинг қандай оилада туғилгани ёки эгаллаб турган лавозимига қараб эмас, балки унинг турмушда моддий табиатнинг қайси гунаси, қайси сифати таъсири остида фаолият кўрсатаётгани билан белгиланади.

*чатур варнийам майа сриштам гуна-карма-вибхагашах
тасйа картарам апи мам виддхй акартарам авйайам*
“Моддий табиатнинг уч гунаси ва улар билан боғлиқ бўлган фаолиятига қараб Мен инсонлар жамиятини тўрт табақага бўлиб қўйганман. Билсанг, гарчи бу тизимни Ўзим тузган бўлсам ҳам,

Мен бу фаолиятга аралашмайман, чунки Мен хамиша ўзгармай қолавераман”(4.13).

Парвардигор тузган бу тизимнинг, Ҳиндистонда одамлар ногўғри талкин қилиб юрган ҳозирги табақалаш тизими билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. *Гуна-карма-вибхагашаҳ* - дейди Парвардигор Кришна. Жамиятдаги одамлар ҳаётда, кундалик турмушда моддий табиатнинг қайси гунаси таъсири остида фаолият кўрсатаётганига қараб синфларга, табақаларга бўлинадилар. Жамиятнинг бундай бўлиниши жаҳоннинг ҳар қандай бурчагидаги халқларда ҳам яққол намоён бўлган. Биз ягона Парвардигор, Кришнанинг Ўзи айтаётган гапларнинг ҳаммаси оламнинг қайсидир бир қисми ёки айрим бир халқ учун эмас, балки бутун коинот аҳли учун бир хилда баробар эканини яхши тушуниб олишимиз лозим. Кришна Ўзини "барча тирик мавжудотларнинг отаси" деб эълон қиляпти; демак, тирик мавжудотларнинг барчаси - ҳатто дарахтлар, балиқлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, судралиб юрувчилар, қушлар ва ҳашаротлар ҳам - Унинг фарзандлари.

Парвардигор тушунтиряптики, бутун олам аҳли бу дунёда моддий табиат гуналарининг ўзаро муносабатлари таъсири остида адашиб, алданиб юрибдилар. Мана шу алданиш бизларни адаштириб, Худони англаб етишимизга имкон бермайди.

Бу алданишнинг табиати қандай, уни қандай енгиш мумкин? Бу ҳақда ҳам «Бхагавад-гита»да айтилган:

даиви хи эша гуна-майи мама майа дуратйайа

мам эва йе прападйанте майам этам таранти те

“Моддий табиатнинг уч гунасидан таркиб топган Менинг илоҳий қувватимни енгиш жуда қийин. Аммо, Менга ўз ихтиёрини топширган киши осонлик билан унинг таъсирдан халос бўлади”(7.14).

Ҳамиша, ҳар бир ишда фақат ўз кучига ишонишга ўрганиб қолган одам моддий табиатнинг уч гунаси таъсирдан ҳеч қачон қутула ололмайди. Моддий табиат гуналари жуда қудратли, уларнинг таъсирини енгиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Масалан, сиз ўзингизда моддий табиат гуналари таъсирини сезмайсизми? *Гуна* иборасини баъзан "арқон" деб ҳам таржима қиладилар. Мустаҳкам учта арқон билан қаттиқ боғланган одам ҳатто кимирлай олмайди. Худди шундай бизларнинг оёқ-қўлларимиз ҳам эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари кўринишидаги арқонлар билан маҳкам боғланган. Лекин бу - биз озодликка чиқишдан бутунлай умидимизни узишимиз керак, дегани эмас. Йўқ, чунки Парвардигор Кришна бу ерда айтяптики, ўз ихтиёрини Кришнага топширган одам шу заҳотиёқ моддий табиат гуналари таъсирдан озодликка чиқади. Инсон қайсидир йўллар билан Худони англаб етган заҳоти, яъни, Кришна онгига эга бўлган заҳоти моддий табиат гуналари ҳукми остидан бутунлай озод бўлади.

Бизлар ҳар биримиз Кришна билан мангу боғланганмиз, чунки бизлар Унинг фарзандларимиз. Ўғли отаси билан жанжаллашиб қолиши мумкин, аммо у отаси билан ўзини боғлаб турган қариндошлик ришталарини ҳеч қачон уза олмайди. Агар ундан ким эканини сўрасалар, у: “Мен фалончининг ўғлиман!” - деб жавоб беришга мажбур бўлади. Мана шу алоқа ҳеч қачон узилмайди. Худди шундай, бизларнинг ҳар биримиз Худонинг фарзандларимиз, Парвардигор билан бўлган алоқамиз мангу: ҳозир биз шу алоқани эсдан чиқариб юборганмиз. Худо Шахси, Кришна - энг қудратли, энг машҳур, энг бой, энг чиройли Зот. Шунингдек, У ҳамма нарсани билади, бирор нарсага боғланиб қолмаган. Аммо биз ана шундай буюк Отамиз борлигини унутиб қўйганмиз. Бадавлат кишининг боласи ақлдан озиб, уйини тарк этиб кетса, отасини

бутунлай эсидан чиқариб юборса, кўчада сарсон бўлиб, гадоилардай бошқа бир одамлардан садақа сўраб, дуч келган жойда ухлаб юради. Лекин унинг бошига тушаётган мусибатларнинг ҳаммаси - унинг ўз отасини эсидан чиқариб юборганининг оқибатидир. Ана шу адашган бечорага ҳақиқий ҳам ёрдам беришни, яхшилик қилишни истаган киши унга, унинг бой-бадавлат отаси борлигини, у қачонлардир билмасдан ўз уйини тарк этганини, шу сабабли ҳозир қийналиб юрганини, отаси эса, унинг қайтиб келишини интизорлик билан кутаётганини гапириб беради.

Моддий оламда яшар эканмиз, биз хамиша уч турли азоб-уқубатларга дучор бўламиз: 1. Танамиз ва ақлимиз келтирадиган азоб-уқубатлар, 2. Бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган азоб-уқубатлар, 3. Табиий офатлар келтирадиган азоб-уқубатлар. Моддий табиат гуналари таъсири остида алданиш домига тушган ҳолда биз ана шу азоб-уқубатларга эътибор бермаймиз, "ўзи аслида шундай бўлиши керак" деб ўйлаймиз. Аммо фаросатли одам бу моддий оламда қаттиқ қийналиб юрганини хамиша эсида сақлайди. Ақл-заковати, тафаккури етарлича ривожланган одам бошига тушаётган мусибатларининг асл сабабини излай бошлайди: “Мен ҳаётда мусибат чекишни истамайман. Шунга қарамай, нимага мен азоб чекапман?” Ўзига ана шундай савол бериб, унга жавоб ахтаришга киришган кишида Худони англаш, Кришна онгига эга бўлиш имконияти пайдо бўлади.

Биз ўз ихтиёримизни Кришнага топширмоқчи бўлсак, У албатта бизларни кучоқ очиб кутиб олади. Биз худди бир пайтлар ақлсизлик қилиб, уйини ташлаб кетган, энди эса отасининг олдига қайтиб келган дайди болага ўхшаймиз: “Отажон, бир вақтлар адашиб, Сендан юз ўгириб кетиб қолган эдим, мана шунча мусибатларга дучор бўлиб, кўзим очилиб яна уйга қайтиб келдим!” Албатта отаси шундай ўғлини кучоқ очиб кутиб олади ва бағрига босади: “Ўғлим! Сендан жуда хавотирда эдим. Яна сени Ўз бағримда кўришдан жуда бахтиёрман!” Отаси хамиша фарзандига нисбатан меҳрибон бўлади. Бизлар ҳам ҳозир худди ана шундай ахволдамиз. Биз ҳаётда ҳақиқий бахтга эришиш учун ўз ихтиёримизни Кришнага топширишимиз лозим. Бунинг унчалик қийин жойи йўқ. Наҳотки фарзанднинг меҳрибон отасининг амрига бўйсуниб яшаши шунчалик қийин бўлса? Табиийки, отаси қачон ўғлининг эси кириб, амрига бўйсунган бошлашини хамиша орзиқиб кутиб юради. У ҳеч қачон ўғлидан хафа бўлиб, ундан биратўла юз ўгирмайди. Олий отамиз, Парвардигор олдидан бош эгиб, Унинг қадамлари пойига қўл теккизиш қийин иш эмас. Биз бу билан ҳеч нарса йўқотмаймиз. Аксинча биз бу ишимиздан фақат чексиз фойда кўрамиз. Шундай эмасми? Кришнага ўз ихтиёримизни топширган заҳоти биз Унинг ҳимояси остига кирамиз ва барча азоб-уқубатлардан халос бўламиз. Барча муқаддас китоблар мана шу ҳақиқатни тасдиқлайдилар. «Бхагавад-гита»нинг охирида Парвардигор Кришна шундай дейди:

сарва-дхарман паритйаджйа

мам экам шаранам враджа

ахам твам сарва-папехйо

мокиайишйам ма шучаҳ

“Барча диний ақидаларни тарк эт, ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан қўрқма”(18.66).

Биз Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйганимизда У албатта бизни Ўз ҳимояси остига олади, шунда биз қўрқув нималигини бутунлай унутиб

юборамиз. Ота-онасининг ҳимояси остида юрган фарзандлар ҳеч нарсадан кўркмайдилар, улар ота-оналари ҳеч қачон уларни оғир аҳволда ташлаб қўймаслигини яхши биладилар. *Мам эва йе прападийанте*. Парвардигор ваъда бериб айтадики, ўз ихтиёрини Унга топширган киши ҳеч нарсадан кўркмаси ҳам бўлади.

Агар ўз ихтиёрини Кришнага топшириш шунчалик осон бўлса, нимага аксарият одамлар бундай қилмайдилар? Аксинча, одамларнинг кўпчилиги Худонинг борлигини инкор этадилар. Улар "ҳамма нарсани, барча воқеа-ҳодисаларни табиат ва илм-фан бошқариб туради, ҳеч қандай Худо йўқ", деб ўйлайдилар. Дунёвий, моддий илм-фаннинг тобора ривожланиши одамларнинг аксарият кўпчилиги тобора ақлдан озиб бораётганидан далолат беради. Бу касалдан даволаниш, ундан халос бўлиш ўрнига одамларнинг ақлдан озиш касали тобора зўрайиб кетяпти. Одамлар Худо билан умуман қизиқмайдилар, лекин улар моддий табиатни чуқур ўрганишга ҳаракат қиладилар, моддий табиат эса, уларга уч турли азоб-уқубатлардан бошқа нарса беришга қодир эмас. Моддий табиат бизларни ҳамма вақт, кечая кундуз қийнаб, азоб беради, аммо биз унинг азобларига шунчалик кўникиб кетганмизки, бу қийинчиликларнинг бўлиши табиий ҳол деб, уларга қаршилик қилишга умуман интилмаймиз. Биз дунёвий илм-фан соҳасида эришган ютуқларимиз билан, билимдонлигимиз билан шунчалик мағрурланамизки, моддий табиатга: "Бераётган азобларинг учун катта раҳмат! Илтимос бизга шундай азоб беришда давом этавер!" - деймиз. Алданиш домига тушиб, биз ҳатто моддий табиатни ҳам ўзимизга бўйсундириб олдик, деб ўйлаймиз. Лекин, ҳақиқатан ҳам шундайми? Ахир моддий табиат ҳозир ҳам аввалгидай бизларни туғилишга, кексайишга, касалланишга ва ўлишга мажбур қилиб, азоб беришда давом этяпти-ку? Мана шу муаммоларни ҳал қила олган бирор инсон борми? Шундай экан, илм-фан ва маданиятнинг юқори ривожланганлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Бизлар барчамиз моддий табиатнинг ашаддий, ўзгармас қонунларининг ҳукми остидамыз, шунга қарамай биз табиатни ўзимизга бўйсундирдик, деб ҳисоблаймиз. Мана шу *майя*, "алданиш" деб аталади.

Балки кимдир фақат ўзининг танасини дунёга келтирган, мукамал илмга ҳам, чексиз қудратга ҳам эга бўлмаган дунёвий отасининг амрига бўйсунганини истамас, лекин Кришна оддий оталардан бутунлай фарқ қиладиган Ота. Кришна чексиз, у мукамал илм, куч-қудрат, бойлик, гўзаллик, шон-шуҳрат эгаси ва ҳеч нарсага боғланиб қолмаган Зот. Биз ана шундай отамиз билан бирга яшаб, бойлигидан У билан биргаликда баҳам кўриш имкониятига эга бўлсак, ўзимизни жаҳонда энг омадли бахтиёр инсон деб ҳисоблашимиз лозим. Лекин, атрофимиздаги одамларга қараб туриб, ҳеч ким ана шундай имконият билан қизиқмаётганига амин ва ҳайрон бўламиз. Ҳозир бутун жаҳонда оммавий равишда Худога қарши, атеистик таълим-тарбия ишлари олиб бориляпти. Нимага одамлар Худога интилмайдилар? Бу саволга жавоб «Бхагавад-гита»нинг қуйидаги шеърида берилган(7.15).

на мам душкритино мудхаҳ прападийанте нарадхамах майайапахрита-дженана асурам бхавам ашритах
"Ғофил ва нодон гуноҳкорлар, жамиятнинг энг пасткаш одамлари, шунингдек, илмини майя(шайтон) ўғирлаган одамлар ва иймонсиз иблислар ҳеч қачон Менга ўз ихтиёрини топширмайдилар".

Бу ерда нодон одамларнинг бир неча тоифаси таърифланган. *Душкрити* ҳамиша муқаддас китоблар-

нинг қонун-қоидаларига зид ишлар билан машғул бўлиб юради. Ҳозирги замонда жамиятдаги одамларнинг қилаётган барча ишлари Худонинг қонунларига зид бўлган ишлардир. Аксинча, Худонинг қонунларини тан олиб, ҳаётда уларга риоя қилиб яшайдиган одамларни "такводор инсон"лар деб айтадилар. Биз қандай фазилатлар *душкрити*(гуноҳкор) одамларни *сукрити*(такводор) инсонлардан ажратиб туришини яхши билишимиз лозим. Ҳар қандай маданиятли жамиятда такводор инсонлар қандай бўлмасин, бирор муқаддас китобнинг қонунларига амал қилиб яшайдилар. Бу муқаддас китоб масихийларники, мусулмонларники, буддистларники ёки хиндуларники бўлиши мумкин - бунинг аҳамияти йўқ. Парвардигор муқаддас китобларда фаросатли, иймонли киши ҳаётда амал қилиб яшаши лозим бўлган қонунларни нозил қилиб қўйган, уларга бўйсунмайдиган одамлар Худонинг қонунларини бузувчи, иймонсиз жиноятчилар ҳисобланадилар.

Бу ерда биринчи навбатда *мудха* деб аталадиган бефаросат нодон одамлар тилга олинган. Нарадхамалар - жамиятнинг чиқиндилари ҳисобланадиган пасткаш, ғилоб одамлардир. *Майайапахрита-дженанилар* эса, "илмини майя(шайтон) ўғирлаб қўйган адашган одамлар", *асурам бхавам ашритах* деб эса, ашаддий атеист, иймонсиз дахрий одамларни айтадилар. Ўз ихтиёрини Олий Отаси, Худога топшириш билан ҳеч ким ҳеч нарса йўқотмасдан, фақат чексиз манфаат кўришига қарамай, юқорида кўрсатиб ўтилган тоифаларга мансуб одамлар ҳеч қачон Худони тан олгилари келмайди, Унинг амрига бўйсунганини истамайдилар. Шунинг учун Олий Отанинг махсус хизматкорлари бўлган моддий табиат гуналари ҳамиша уларни ҳар хил азоб-уқубатлар билан шафқатсиз жазолайдилар. Гапига қирмайдиган ўғлини тарбиялаш ниятида баъзан отаси унга нисбатан жазо қўллашга мажбур бўлгани сингари, моддий табиат ҳам гуноҳкорларга нисбатан ҳар хил жазолар қўллашга мажбур бўлади. Лекин айни пайтда моддий табиат бизни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб қўйибди. Чунки, биз энг бадавлат Отанинг болаларимиз, Парвардигор шунчалик меҳрибонки, ҳатто Уни тан олмайдиган қулоқсиз болаларини ҳам ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб қўйибди. Парвардигор ҳамиша бизга ғамхўрлик қилиб юрганига қарамай, *душкрити*(иймонсиз) пасткаш одамлар Унинг амрига қарши чиқиб, гуноҳ ишлар қилишда давом этаверадилар. Фақат аҳмоқ, нодон одамларгина ўзларини жазолашга Парвардигорни мажбур қиладилар, фақат энг пасткаш одамлар Худони, Кришнани таниш, англаш учун инсон танаси берадиган нодир имкониятни қўлдан бой берадилар. Ўзига ато этилган ана шундай нодир хусусиятга эга бўлган инсон танасидан мангу Отаси билан ўзаро муносабатини қайта тиклаш йўлида иложи борича кўпроқ фойдаланиб қолмайдиган кишини адашган, калтафаҳм, ғофил одам, ҳақиқий инсонлар жамиятининг чиқиндиси, деб ҳисоблаш керак.

Ҳайвонларнинг ҳаёти фақат еб-ичиш, ухлаш, танасининг ҳаётини ҳимоя қилиш ва бола-чақа қилишдан иборат. Умр бўйи фақат шундай ишлар билангина машғул бўлиб юриб, ҳайвонлар бошқа бирор иш қилмасдан ўлиб кетадилар. Уларда юксак ривожланган тафаккур, онг йўқ, чунки ҳаётнинг қуйи турларида тирик мавжудотнинг онги унча ривожланмаган бўлади. Худди онги паст ҳайвонлардай яшаб, ҳаётда ҳақиқий инсонга хос бўлган юксак онг билан яшаш поғонасига кўтарилишга интилмайдиган одамлар

тубанликка юз тутиб, кейинги ҳаётида албатта бирор ҳайвон танасида туғиладилар. Кришнанинг марҳамати билан бизга инсон танаси ва юксак даражада ривожланган онг ато этилган, агар ҳозир уларни ўз ўрнида ишлатмасак, нима сабабдан Кришна бизга яна шундай имкон беравериши керак? Биз инсон танасидаги ҳозирги ҳаётимизга миллион йиллар давом этган эволюцион ривожланиш натижасида эришганмиз. Туғилиш ва ўлишлар чархпалагида 8.400.000 турли таналарга мансуб бўлган шароитда яшайдиган сон-саноксиз тирик мавжудотлар бу дунёда сарсон-саргардон бўлиб юрибдилар. Фақат инсон танасигина тирик мавжудотга мусибат тўла мана шу ҳаёт чархпалагидан чиқиб кетиш имконини беради. Бундай имконият бизга фақат Кришнанинг марҳамати билан берилади, ана шундай нодир имкониятдан фойдаланмаган одамни маданиятли, онгли инсон деб бўлмайди. Одам университет тугатиши, бирор илмий унвонга эга бўлиши мумкин, аммо Худонинг алдамчи қуввати унинг дунёвий илмини ўғирлаб қўяди. Ҳақиқатан ҳам чуқур тафаккурга эга бўлган киши ўзига ато этилган чуқур заковатидан аслида **ўзи ким, Худо дегани ким**, бизни ўраб турган **моддий табиат нима** эканини, нимага моддий табиат бизга шунча мусибатлар келтиришини аниқ тушуниб олиш ҳамда азоб-укубатларга тўла бундай шароитдан биратўла ва узил-кесил қутулиш йўлини топиш учун фойдаланади.

Юксак тафаккуримиз ёрдамида биз сезгиларимиз талабларини кондириш учун ҳар хил автомобиллар, радиоприемниклар ёки телевизорлар, компьютерлар яратишимиз мумкин, лекин буларнинг барчасининг ҳақиқий илмга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканини англаб етиш керак. Аксинча, бундай нарсаларнинг барчаси бизнинг тафаккуримизни *майя*, алданиш ўғирлаб қўйганини исботлайди. Инсонга бундай чуқур тафаккур, заковат ҳаётнинг энг асосий муаммоларини ҳал қилиш учун берилган, аммо ҳозир биз ўз тафаккуримиздан мутлақо нотўғри мақсадда фойдаланиб юрибмиз. Ҳар хил автомобиллар чиқариб, уларни бошқаришни билгани учун одамлар ўзларини илмли, билимдон деб ўйлайдилар. Аммо, автомобиллар яратилмасдан аввал ҳам одамлар бемалол бир жойдан иккинчи жойга қўчиб юрганлар. Биз шунчаки, бир жойдан иккинчи жойга қўчиш жараёнини бироз мукамаллаштирдик, тезлаштирдик холос, айти пайтда ўзимиз учун, яшашимиз учун шунча муаммоларни юзага келтирдик: хавонинг ифлосланиши, шовқин, йўллардаги бахтсиз ҳодисалар ва ҳоказо. *Майя* ана шундай ҳаракат қилади - биз ўзимизга, танамизга битта қулайлик яратгандай бўламиз, лекин мана шу битта қулайлик бизга албатта бир неча муаммоларни олиб келади.

Биз бутун куч-қувватимизни фақат танамиз лаззатланиши учун турли қулайликлар, шарт-шароит яратишга сарфламастекимиз керак. Бунинг ўрнига тафаккуримиздан ўзимиз аслида ким эканимизни, умуман ҳаётда **инсон бўлиб яшашдан мақсад** нима эканини тушуниб олиш учун фойдаланишимиз лозим. Ҳеч ким ҳаётда азоб чекишни истамаса ҳам, нима сабабдан улар албатта ҳар хил мусибатларга дучор бўлишини тушуниб олишимиз лозим. Биз ўрганаётган дунёвий илм атом бомбаси яратишга, шу билан барча тирик мавжудотларнинг ўлиб кетишини жуда осон қилишга, ажални тезлаштиришга олиб келди, холос. Биз шу ишимиздан мағрурланиб юрибмиз, яна буни илм-фаннинг юксак ютуғи деб ҳисоблаймиз. Аслида илм-фаннинг ҳақиқий ютуғи ўлимни тезлаштириш эмас, аксинча туғилиб-ўлишни бутунлай тўхтатишга

олиб келиши керак. Бу дунёда ҳеч ким ўлишни истамаса ҳам, барибир ҳамма албатта ўлади, биз эса илм-фан ютуқларидан уни яна ҳам тезлаштириш учун фойдаланяпмиз. *Майяанахрита-дженана* яъни, "илмини майя(шайтон) ўғирлаган" деб мана шуни айтадилар.

Асурлар - имонсиз иблислар ёки ашаддий атеистлар Худонинг қонунларига очикдан-очик қарши чиқадиган одамлардир. Аммо, агар Олий Отамиз бўлмаса, биз ҳеч қачон бу дунёга келмаган бўлар эдик. Шундай экан Худога қарши чиқишнинг нима кераги бор? Ведаларда айтилганки, одамлар икки тоифага бўлинади: девалар ва асурлар, яъни, фаришталар ва иблислар. Девалар кимлар? Худонинг содиқ хизматкорларини, илоҳий сифатларга эга бўлган такводор инсонларни *дева* деб атайдилар. Парвардигорни, Унинг ҳукмронлигини тан олмайдиган одамларни эса, *асур* ёки иблислар деб атайдилар. Инсонлар жамиятида мана шу икки тоифага мансуб одамлар азалдан мавжуд.

Ҳеч қачон Худони таниш йўлига кирмайдиган тўрт тоифа одамлар бўлгани сингари, Худога сиғиниб яшайдиган такводор инсонларнинг ҳам тўрт тоифаси мавжуд. Улар «Бхагавад-гита»нинг қуйидаги шеърида кўрсатилган(7.16).

чатур-видха бхаджанте мам жсанаҳ сукритино ржуна арто жижснасур артхартхи жнани ча бхаратаршабха
“Эй бхаратлар аълоси, маданиятли, такводор одамларнинг тўрт тоифаси Менга садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар: бошига мусибат тушганлар, бойлик излаб юрганлар, қизиқувчанлар ва Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиб юрган донишмандлар”.

Моддий олам ҳар хил мусибатларга тўла, бу мусибатлар такводорларни ҳам, гуноҳкорларни ҳам бир хилда турли азоб-укубатларга дучор этади. Қиш кириб келганда бойу-камбағал, такводору-гуноҳкор ҳамма бирдай совуқдан қийналади. Аммо, такводор инсоннинг гуноҳкор одамдан фарқи шундаки, у бирор мусибатга дуч келганида Худони эслайди. Такводор инсон бошига бирор мусибат тушганида черковга бориб Худога илтижо қила бошлайди: “Эй азиз Худойим, мен жуда қийналиб кетдим. Менга мадад бер!” Ҳатто у Худодан ўзи учун бирор моддий нарса сўраб илтижо қилаётган бўлса ҳам, барибир уни такводор инсон деб ҳисоблаш керак, чунки у бошига мусибат тушганида бошқа бировларга эмас, ишонч билан айнан Худонинг Ўзига, Парвардигорга мурожаат қиляпти. Худди шундай, пулга муҳтож бўлган такводор, камбағал инсон ҳам масжидга бориб Худога илтижо қила бошлайди: “Эй азиз Худойим, менга озгина мол-дунё юбор!”

Бошига мусибат тушган ёки пулга муҳтож бўлган одамлардан фаркли равишда ҳар нарсага қизиқувчан одамлар кўпинча чуқур мулоҳазали, изланувчан, интилувчан бўладилар. Улар хамиша нималарнидир ўрганиб, ўзларини ўраб турган оламни чуқурроқ ўрганишга, дунёқарашини кенгайтиришга интиладилар. “Худо дегани ким ўзи?” - деб ўйлайди улар ва буни аниқлаш учун ҳар хил тажрибалар ўтказиб, турли тадқиқот ишлари олиб борадилар. Уларни ҳам такводор инсонлар деб аташ лозим, чунки улар айнан инсон излаши лозим бўлган Зотни, Худони излаётдилар.

Ғайилар - билимдон донишмандлар, яъни, ўзининг руҳий табиатини англаб етган, камдан-кам учрайдиган донишманд инсонлардир. *Ғйани*(билимдон) киши "Худонинг шакл-шамойили йўқ", "Худо шахс эмас" деб ҳисоблаб юриши мумкин, лекин, барибир у Мутлақ Ҳақиқатдан ўзига паноҳ излаб юргани учун, уни ҳам такводор инсон деб ҳисоблаш керак. Мана шу тўрт тоифага мансуб одамларни *сукрити*, яъни, "художўй"

"такводор" инсонлар деб атайдилар, чунки уларнинг ҳаммаси Худонинг борлигини тан олиб, Унга мурожаат қиладилар.

тешиам жнани нитйа-йукта эка-бхактир вишишийте прийо хи жнанино тйартхам ахам са ча мама приях
"Улар орасида мукамал илмга эга бўлиб, Менга соф садоқат билан хизмат қилиб юрган киши уларнинг ичида энг аълоси ҳисобланади, чунки Мен унинг учун жуда азизман, у ҳам Мен учун жуда азиз" (7.17).

Худога мурожаат қиладиган ана шу тўрт тоифа одамлар орасида энг аълоси Худони фалсафий жихатдан чуқур ўрганиб, Кришна онгига эга бўлишга интилаётган (*вишишийте*) донишманд инсондир. "Шундай инсон Мен учун жуда азиз" - дейди Кришна, чунки у бутун умрини Худони англашга бағишлайди. Худога мурожаат қиладиган бошқа одамларнинг ҳаммаси ундан пастроқ поғонада турадилар. Қандайдир моддий нарсалар сўраб Худога илтижо қилишнинг умуман ҳожати йўқ. Худога бундай илтимослар билан мурожаат қилиб юрган одамлар аслида фаросатсиз, калтафаҳм одамлардир, чунки у, ҳамма нарсани билувчи Парвардигор аслида бизнинг қалбимизда бўлгани учун биз мусибатга тушганимизни ҳам, пулга муҳтож бўлиб турганимизни ҳам жуда яхши билишини тушунмайди. Донишманд киши буни яхши билади ва ҳеч қачон Парвардигордан ўзини ҳаётдаги турли азоб-укубатлардан халос этишини сўраб илтижо қилмайди. Ўз илтижоларида у фақат Парвардигорни шарафлайди, Унга ҳамду-санолар айтади, ғофил одамларга Унинг чексиз улуғворлиги ҳақида гапириб беради. Бошига мусибат тушганида Худонинг асл содиғи Парвардигорга шундай мурожаат қилади: "Эй азиз Худойим, Сен қанчалик меҳрибонсан! Сен менинг бошимга бу кулфатларни нопок қалбимни моддий иллатлардан поклаш учун юбориб турибсан. Аслида мен бундан ҳам оғирроқ мусибатларга лойиқ гуноҳкорман, аммо Сен менга чексиз меҳрибонлик қилиб, мен муносиб бўлган оғир мусибатларни қамайтириб-қамайтириб шугина енгил жазони қолдиргансан!" Худога чуқур иймон келтиргани, Унга шубҳаю-гумонларсиз комил ишонч билан ишонгани туфайли қалби ҳамиша хотиржам бўлган асл содиқнинг фикрлари ана шундай бўлади.

Худони англаб етган, Кришна онги билан яшаб юрган киши ҳаётда дуч келадиган қийинчиликларга, шон-шуҳратга ва шармандалиқларга бир хил муносабатда бўлади. У яхши биладики, азоб-укубатлар, шон-шуҳрат ва шармандалиқ сингари нарсалар аслида моддий танага тааллуқли бўлган нарсалардир, унинг ўзи эса, - бу моддий танадан бутунлай фарқ қиладиган мангу рух. Рухнинг мангу, ҳеч қачон ўлмаслигига аниқ ишонадиган донишманд Сукротдан, шогирдлари у ўлгандан кейин уни қандай дафн қилиш кераклигини сўраганлар. У эса: "Сизлар аввал мени топишга, ушлаб олишга уриниб кўринглар!" - деб жавоб берган. Шундай қилиб, аслида ўзи тана эмаслигини англаб етган илмли киши ҳаётда ҳеч нарсадан кўркмайди, чунки у руҳни ҳеч қачон ўлдириб, қийнаб, ушлаб ёки дафн қилиб бўлмаслигини яхши билади. Кришна ҳақидаги илмни эгаллаган киши ўзи моддий танасидан фарқ қилишини, аслида у Кришнанинг ажралмас бир зарраси эканини, Кришна билан ўзаро мангу муноса-батлари мавжудлигини, гарчи у ҳозир моддий оламда, моддий тана ичида яшаётган бўлса ҳам, ҳеч қачон моддий табиат гуналари таъсирига берилиб кетмаслиги лозимлигини тушунади. Ундай инсонни моддий табиатнинг эзгулик гунаси ҳам, эхтирос гунаси ҳам, ғафлат гунаси ҳам кизиктирмайди, уни фақат Кришна, ягона Парвардигор

кизиктиради. Шундай кишини *гйани*, яъни, "билимдон донишманд инсон" деб айтадилар, у Кришна учун жуда азиз. Камбағал одам бойигандан кейин Худони унутиб юбориши мумкин, аммо, Худони англаб етган билимдон донишманд инсон ҳеч қачон Уни эсидан чиқармайди.

Гйаниларнинг "имперсоналистлар" деб аталадиган тоифаси бор. Уларнинг фикрига кўра, шахсиятсиз Худога сиғиниш жуда қийин бўлгани учун одамлар ўзларининг хаёлида Худонинг қандайдир қиёфасини тасаввур қилиб олишлари керак. Шундай деб ўйлайдиган одамлар аслида донишманд эмас, ғирт нодон одамлардир. Ҳеч ким хаёлида тасаввур қилиб Худонинг қиёфасини кўз олдига келтира олмайди, чунки Худо чексиз буюк Зот. Сиз хаёлингизда қандайдир қиёфани тасаввур қилишингиз мумкин, аммо у фақат сизнинг ўзингизнинг хом-хаёлингиз бўлиб қолаверади, бу қиёфанинг Парвардигорнинг ҳақиқий қиёфасига ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Ўзича Парвардигорнинг хар хил қиёфаларини ўйлаб топиб, тасаввур қилишга уринадиган одамлар билан бир қаторда "Худонинг умуман қиёфаси, шаклу-шамойили йўқ" деб ҳисоблайдиган одамлар ҳам бор. Шундай одамлар ҳам ҳақиқий гйанилар эмас. Улар ҳақиқий ақидапарастлардир. Ҳиндистонда хиндулар ва мусулмонлар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувларда хиндулар мусулмонларнинг масжидларини вайрон қилганлар, мусулмонлар эса, хиндуларнинг эҳромларига кириб, у ердаги Илоҳларни синдириб ташлаганлар. Хиндулар ҳам, мусулмонлар ҳам ўзларини ҳақ деб билардилар: "Бизлар хиндуларнинг Худосини ўлдирдик!" "Бизлар мусулмонларнинг Худосини ўлдирдик!" Бу худди бир вақтлар Махатма Ганди асос солган босқинчиларга қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг аъзолари Ҳиндистон кўчаларидаги почта қутиларини синдириб ташлаб: "Бизлар ҳукуматнинг Алоқа хизматини яқсон қилдик!" - деганига ўхшайди. Шундай ўйлайдиган одамлар ҳақиқий гйани(илм)га ҳеч қандай алоқаси йўқ калтафаҳм одамлардир. Хиндулар билан мусулмонлар орасидаги, масиҳий билан бошқа диндаги одамлар орасида бўлиб ўтадиган барча тўқнашувларнинг асосий сабаби ғофиллик аломатидан бошқа ҳеч нарса эмас. Ҳақиқий илмга эга бўлган киши Худо, **ягона Парвардигор ҳамма учун бир, баробар** эканини яхши билади: **Худо, ягона Парвардигор мусулмон ҳам эмас, хинду ҳам эмас, масиҳий ҳам эмас.**

Гарчи, баъзан биз ўзимизча Худонинг қандай эканини тасаввур қилишга уриниб юрсак ҳам, бу қиёфаларнинг ҳаммаси ўзимизнинг хом хаёлимиздан бошқа ҳеч нарса эмас. Ҳақиқий илмга эга бўлган донишманд киши Парвардигор илоҳий табиатга эга эканини тушунади. Парвардигор моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий Зот эканини англаб етган киши ҳақиқатан ҳам Худони англаб етган инсондир. Худо ҳамиша биз билан бирга, У бизнинг қалбимизда. Биз танамизни тарк этганда У ҳам биз билан бирга кетади, бошқа танага кирганимизда, бизнинг фаолиятимизга гувоҳ бўлиб юриш учун У ҳам биз билан янги тана ичига киради. Шундай экан, қачон биз Унга мурожаат қила бошлаймиз? У ҳамиша бизни кутиб юради. Инсон Худога мурожаат қилганида, Парвардигор бунга шу заҳотиёқ жавоб беради: "Ўғлим, Мен сени қанчалик кутган эдим! *Са ча мама приях*. Сен Мен учун ҳамиша азизсан, сенинг яна мангу даргоҳимга қайтиб келганингдан жуда хурсандман!"

Гйани, яъни, донишманд деб Худо ҳақидаги илмни мукамал эгаллаган кишини айтадилар. Ҳали фақат Худонинг бизга жуда меҳрибон эканини биладиган

киши Худо ҳақидаги илмни энди ўрганаётган одам ҳисобланади. Парвардигор улуғвор ва Унинг марҳамати чексиз эканини англаб етган киши руҳий юксалишда бундай ғофил одамдан анча юқори поғонага кўтарилган киши бўлади. Бундай мукаммал илм «Бҳагавад-гита» ва "Шримад Бҳагаватам"да берилган. Агар сиз ҳақиқатан ҳам Худони англаб етишга интилаётган бўлсангиз, «Бҳагавад-гита»дан Худо ҳақидаги мукаммал илмни ўрганишингиз лозим.

*идам ту те гухйатамам
правакийамй анасуйаве
жнанам вижнана-сахитам
йаж жнатва мокийасе шубхат*

“Азизим Аржун, ҳеч қачон Менга ҳасад қилмаганинг учун Мен сенга энг сирли илоҳий илмни ўргатаман, уни эгаллаб олганингдан кейин сен барча моддий мусибатлардан халос бўласан”(9.1).

«Бҳагавад-гита»да нозил қилинган илм - Худо, ягона Парвардигор ҳақидаги энг улуғвор ва сирли, илоҳий илмдир. Бу илм ғйанига - илоҳий донишмандлик илмига ва вигйанага - илмий таълимотга тўла. Унинг махфий сирлари ҳам кўп. Хўш, бу илмни қандай англаб етиш мумкин? Бу илоҳий илмнинг махфий сирларини уни ўрганаётган кишига Парвардигорнинг Шахсан Ўзи ёки Унинг ҳақиқий вакили ошкор этиши лозим. Шунинг учун Кришна айтадики, одамлар Худо ҳақидаги сирли илмни нотўғри талкин қила бошлаганларида Унинг Ўзи моддий оламга ташриф буюради.

Ҳақиқий илм - хаёлимизда пайдо бўладиган ҳар хил фикрлар натижаси эмас. Худога садоқат билан хизмат қилиш - ҳақиқий илм, бу жараён шунчаки ҳиссиётнинг, сезгиларнинг иши эмас. Шрила Рупа Госвами шундай дейди: **“Ўзини Худонинг содиқлари деб ҳисоблайдиган, аммо кундалик турмушда, қилаётган ишларида Ведалар илмига асосланмайдиган одамлар фақат жамиятдаги бошқа одамларга ташвиш келтирадилар, холос”**. Содиқ аввало мантиқ, чуқур тафаккур ва мукаммал илм ёрдамида ўзи Худога садоқат билан хизмат қилиш билан амалда шуғулланиб, унинг ширин шарбатини бевосита ҳис қилиши, фақат шундан кейингина уни бошқаларга ўргатиши лозим. Кришнани англаш жараёни - шунчаки сезгиларнинг талабига асосланган юзаки жараён деб ўйланган. Бизларнинг куйлаётган кўшиқларимиз, рақсга тушишларимиз илмий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган. Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақиқий илоҳий илм бўлиб, ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатлардан иборат. Парвардигор донишманд инсон учун жуда азиз, донишманд ҳам Кришна учун жуда азиз. Кришна бизга, бизнинг Унга бўлган муҳаббатимизга нисбатан юз чандон кўпроқ муҳаббат билан жавоб беради. Бизлар, чекланган зотлар қай даражада Кришнани сева олардик? Лекин, Кришнанинг бизларга бўлган муҳаббати ҳақиқатан ҳам чексиз, бениҳоя.

5. Худога, чексиз бахтга интилиб

*ударах сарва эваите жнани тв атмаива ме матам
астхитах са хи йуктатма мам эвануттамам гатим*
“Бу содиқларнинг барчаси, шубҳасиз, энг олижаноб, улуғвор зотлардир, аммо Мени англаб етган кишини Мен Ўзим билан бир деб ҳисоблайман. Менга садоқат билан илоҳий хизмат қилиб, шундай содиқ албатта инсон ҳаётининг энг олий ва мукаммал мақсадига, яъни, Менга эришади”(7.18)

Бу ерда Кришна, гарчи Худога интилаётганларнинг барчасини - бошига мусибат тушган, пулга муҳтож бўлган ва кизикувчан кишиларни бирдай қувонч билан қабул қилса ҳам, Парвардигор ҳақида мукаммал илмга эга бўлган инсон Унинг учун жуда азиз эканини таъкидлапти. Парвардигор бошқа иймонли одамларни рад этмаяпти, чунки агар Худога элтувчи йўлдан адашмай бораверсалар, вақти келиб улар ҳам донишманд инсон эришган юксак поғонага албатта эришадилар. Лекин, кўпинча одамлар черковга, масжидга Худодан ўзига бирор моддий нарса сўраш учун борадилар, сўраган нарсаларига эришмаса, "Худога мурожаат қилишдан ҳеч қандай натижа йўқ" экан деган хулосага келиб, черковга боришни, умуман Худога сиғинишни бугунлай тарк этадилар. Фақат ўз манфаатини кўзлаб Худога сиғиниб юрганларнинг ҳаммаси ана шундай ишончсиз ҳолатда юрган одамлардир. Масалан, уруш пайтидаги газеталарнинг ёзишига қараганда, кўпчилик немис солдатларининг оналари черковга бориб, Худодан ўғилларининг урушдан омон қайтишларини тилаб илтижо қилиб юрганлар, аммо ўғиллари ҳалок бўлганини эшитган заҳоти, Худога бўлган иймон-эътиқоди сусайиб, умуман черковга бормайдиган бўлиб кетганлар. Шундай қилиб, кўпинча биз Парвардигорни ўзимизнинг орзу-истакларимизни рўёбга чиқарувчи хизматкор сифатида қабул қиламиз, агар У бизнинг истакларимизни бажармаса: “Худо йўқ!” - деб эълон қиламиз. Кўряписизми, одамлар Худога қандайдир моддий нарсалар сўраб илтижо қилганида қандай натижага эришадилар?

Бу борада шохнинг ўғли бўлган Дхрува деган беш яшар бола ҳақидаги ҳикояни келтириш мумкин. Дхрува туғилгандан бир неча йил ўтгандан кейин подшоҳ Дхруванинг онасини ёмон кўриб қолади ва ундан юз ўгириб, бошқа бир аёлга уйланади. Шоҳ энди янги хотинини малика даражасига кўтарган эди. Энди Дхруванинг ўғай онаси бор бўлиб, у Дхрувани ёмон кўрарди. Бир куни Дхрува отасининг тиззасида ўтирганида ўғай онаси унга гапира бошлади: “Сен менинг ўғлим эмассан, шунинг учун шохнинг тиззасида ўтиришга ҳақкинг йўқ!” Ўғай онаси шу гапларни айтиб, уни отасининг тиззасидан кўполлик билан тушириб юборади. Бундан Дхруванинг қаттиқ жаҳли чиқди. Дхрува кшатрийнинг фарзанди эди, одатда кшатрийлар жуда кизиққон бўладилар. Дхрува буни ўзига нисбатан қаттиқ ҳақорат деб билди ва онасининг олдига йўл олди.

- Онажон - деди у, - отамнинг тиззасидан тушириб юбориб, ўғай онам мени қаттиқ ҳақорат қилди.

- Ўғлим, мен нима ҳам қила олардим, - деди онаси унга, - мен бир ожиза аёл бўлсам, отанг мени яхши кўрмайди.

- Мен қандай қилиб ўғай онамдан ўч олишим мумкин?

- Ўғилгинам, сен ҳозир ўғай онангдан ҳеч қандай йўл билан ўч ололмайсан. Фақат ҳар нарсага кодир бўлган ягона Парвардигор сенга ёрдам бериши мумкин.

- Мен Уни қаердан топсам бўлади? - дарров жонланиб савол берди Дхрува.

- Билишимча, Худога эришишни, У билан учрашишни истаган донишмандлар ўрмонга бориб қаттиқ риёзатларга бериладилар.

Дхрува шу заҳотиёқ ўрмонга йўл олди ва учраган ҳар бир жонивордан сўрай бошлади: “Сен Худомисан?”, “Сен Худомисан?” Шу тариқа йўлида учраган ҳар бир жонивордан сўраб чиқди. Дхруванинг бунчалик сўнмас шижоат билан Худони излаётганини кўриб, Худо Шахси, Кришна унга ёрдам бериш учун унинг олди-

га Ўзининг вакилини - Нарада Мунини юборди. Нарада Муни дарров шу ўрмонга бориб, Дхрувани топиб олди.

- Эй ўғлим, - деди Нарада Муни - сен шоҳ фарзандисан, каттиқ риёзатлар чекиш сенга ярашмайди. Илтимос уйингга қайт! Ота-онанг каттиқ хавотирга тушиб сени излаб юргандирлар.

- Мени йўлдан қайтаришга уришиб овора бўлма, - жавоб берди болакай, - агар сен Парвардигор ҳақида, Уни қандай учратиш мумкинлиги ҳақида бирор нарса биладиган бўлсанг, илтимос, менга ўргат. Бўлмаса, мени йўлдан қўйма!

Нарада Муни Дхруванинг қарори қатъий эканини, унинг сўнмас шижоатини, самимий интилишини кўриб, уни ўзига шогирд сифатида қабул қилди ва унга Парвардигорни кўриш имконини берадиган қуйидаги қудратли мантрани берди: *ом намо бхагавате васудевайа*. Мана шу мантрани узлуксиз зикр қилиш ёрдамида Дхрува руҳий баркамолликка эришди - Парвардигорнинг Ўзи унинг олдида пайдо бўлди.

- Азизим Дхрува, Мендан нима истайсан? Истаган нарсангни тила!

- Эй азиз Худойим, - жавоб берди Дхрува, - мен отамнинг салтанатига эришиш ниятида каттиқ риёзатларга берилиб, Сени кўришга интилаётган эдим, аммо, ҳатто буюк донишмандлар ва авлиё зотлар ҳам кўра олмайдиган Сенинг жамолингни кўришга муяссар бўлдим. Мен қанчалик омадли, бахтиёр инсонман! Мен уйни тарк этганимда шиша синиқларини излаб топишга интилиб юрган эканман, ҳозир эса, бебаҳо маржон, марваридни топдим. Энди менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ!

Шундай қилиб, ҳатто муҳтожлик ёки мусибатлардан халос бўлиш учун Парвардигорни кўриш ва Унинг марҳаматига эришиш ниятида, худди Дхрува сингари сўнмас қатъият билан интилаётган киши ҳам Парвардигорнинг жамолини кўрган захоти қалби покланиб, барча моддий истаклардан халос бўлади. Шундай инсон бу дунёдаги моддий нарсаларнинг барчаси аслида арзимас матолар эканини англаб етади, шу тарзда алданиш чангалидан озодликка чиққанида, унга ҳаёт ҳақидаги Ҳақиқат асл ҳолида аён бўлади. Дхрува Махараж сингари Парвардигорни таниб, Кришна онгига эга бўлгандан кейин ҳар қандай инсон ҳам қалбидаги барча дунёвий орзу-истакларини бутунлай эсидан чиқариб, мамнуният ҳосил қилиб тўла осойишталикка эришади.

Ғйани, донишманд киши барча моддий нарсаларнинг ўткинчи эканини яхши билади. Ҳар қандай дунёвий муваффақият нималардан иборат эканини у яхши билади - бойлик, шон-шухрат ва обрў-эътибор. Ҳар бир инсон ҳаётда аввало бойликка интилади, атрофидаги одамлар уни ҳурмат қилишини истайди, машҳур бўлиб халқ орасида ном қолдиришга интилади. Донишманд киши биладики, бойлик, шон-шухрат ва обрў-эътибор фақат моддий тана билан боғлиқ бўлган ўткинчи нарсалар бўлиб, тана ҳалок бўлиши билан улар ҳам албатта йўққа чиқиб кетади. Танаси ҳалокатга учраганида тананинг эгаси аввалгидай миллионер бўлиб қололмайди, лекин у мангу руҳ сифатида албатта яшашда давом этаверади: у ҳозир қандай ишлар қилиб юрганига мос равишда янги тана олади. «Бхагавад-гита»да айтилганидай, бундай ўзгаришлар донишманд кишини безовта қилмайди, чунки у ҳақиқий ҳаёт аслида қандай эканини яхши билади. Шундай экан, бойликка интилишнинг нима маъноси бор? Донишманд биладики: “Мен Худо билан, Кришна билан мангу боғланганман. Мен бу дунёда ана шу мангу боғланиш кучайиши, тобора мустаҳкамроқ бўлиши учун, Кришна мени Ўзининг

даргоҳига қайтариб олиши учун ҳаракат қилиб яшайман”.

Биз Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларимизни қайта тиклай олишимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса ва барча шароитлар мавжуд. Инсон ҳаётининг мазмуни, мақсади айнан мана шунга қаратилган бўлиши керак. Парвардигор бизнинг тирикчилигимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани бериб қўйибди: ер, дон маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, сут, кийим кечак ва бошпана. Биз фақат ҳаётда тинч-осойишта, қалбимизда Худога муҳаббат уйғотишга интилиб яшаб юрсак, бас. Ҳақиқий инсон ўз ҳаётини фақат мана шу мақсадга эришишга бағишлаши лозим. Биз Худонинг берган нарсаларига – ризқ-рўзимизга, бошпанасига, ўзимизни ҳимоя қилиш ва авлод қолдира олишимиз учун яратиб қўйган имкониятларига шукроналик билан қаноат қилишимиз, ношукрлик қилиб бирор бегона нарсага кўз олайтириб, очкўз, тажовузкор бўлмаслигимиз лозим. “**Оддий турмуш - улўғвор фикрлаш**” қонуни асосида тузилган жамият энг яхши инсонлар жамиятидир. Озиқ-овқатни, жинсий алоқа лаззатини берадиган нарсаларни завод-фабрикаларда ишлаб чиқариб бўлмайди. Парвардигор бизга ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани етарли миқдорда бериб қўйибди. Шунинг учун биз Худо бериб қўйган ана шу имкониятдан фойдаланиб, Худони англаб етишимиз, Кришна онги билан яшашимиз лозим.

Гарчи тинчгина яшаб, қалбимизда Кришна онгини ривожлантиришимиз ва умримиз охирида Худонинг даргоҳига эриша олишимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани Парвардигор бериб қўйган бўлса ҳам, ҳозирги даврда биз жуда ноқулай шароитда яшаймиз. Одамларнинг умри жуда қисқа, кўпчилик одамларга озиқ-овқат маҳсулотлари, бошпана етишмайди, кўплар ҳимояга муҳтож, кўплар бола-чақа қилиш имкониятидан маҳрум. Буларнинг барчаси Кали-юга таъсирида рўй берапти. Кали-югада одамларнинг қанчалик ачинарли аҳволга тушиб қолишини олдиндан билиб, бундай шароитдан озодликка чиқиш учун Чайтанйя Махапрабху уларга албатта руҳий ҳаёт билан яшашни тавсия қилиб кетган. Хўш, бунинг учун нима қилишимиз керак? Чайтанйя Махапрабху шундай дейди:

харер нама харер нама харер намаива кевалам

калау настй эва настй эва настй эва гатир аниятха

“**Ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юринг!**” Қаерда юрсангиз ҳам - заводдами, аравадами, катта иморат ичидами, ҳатто дўзахда бўлсангиз ҳам - бунинг аҳамияти йўқ. Ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юринг: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Бунинг учун сиздан ҳеч ким пул талаб қилмайди. Бошқа ҳеч қандай тўсиқларга ҳам учрамайсиз. Келиб чиқиши, дини ва танасининг ранги қандай бўлишидан қатъий назар, **ҳар бир инсон ўзини руҳий озодликка чиқарадиган мана шу қудратли мантрани зикр қилиб юриши мумкин**. Олий мақсадга эришиш учун инсон фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилиши ва тинглаши керак.

Агар инсон Кришнани англаш йўлига кириб, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида руҳий юксалиш йўлидан адашмай борса, умрининг охирида албатта Худонинг даргоҳига эришади.

бахунам жанманам анте жнанаван мам прападйате васудевах сарвам ити са махатма су-дурлабха

“**Жуда кўп туғилиш ва ўлишлар орқали ўтгандан кейин, барча сабаблар сабабчиси ҳам, бутун борлик ҳам аслида Мен Ўзим эканини тушуниб етган**

ҳақиқий донишманд ўз ихтиёрини Менга топширади. Шундай буюк рух бу дунёда жуда кам учрайди”(7.19).

Файласуфлар Парвардигор ҳақидаги илми жуда кўп умрлар давомида ўрганишлари керак бўлади. Худони англаб етиш жуда осон ва аини пайтда жуда мушкул иш. Кришнанинг гапларини чуқур иймон ва ишонч билан қабул қила оладиган кишилар учун Худони англаб етиш жуда осон. Фақат ўз ақлига ишониб, фалсафий изланишлар ёрдамида Худони англашга интилиб юрганлар эса, Кришнага, Унинг сўзларига минглаб умрлар давом этадиган узоқ изланишлардан кейин ишонч, иймон ҳосил қилишлари мумкин. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган илоҳиёт одамлари, *таттва-вит*ларни бир неча тоифага ажратиш мумкин. Илоҳиёт одамлари Мутлақ Ҳақиқатни “қарама-қаршиликлардан устун бўлган Зот” деб таърифлайдилар. Мутлақ Ҳақиқат қарама-қаршиликлардан устун туради, унда ҳамма нарса мутлақ табиатга эга. Мана шу ҳақиқатни англаб етган одамларни *таттвавит* деб атайдилар.

Парвардигор айтадики, Мутлақ Ҳақиқат уч кўринишда мавжуд: Брахман, Параматма ва Бхагаван, яъни, Брахманинг шахсиятсиз нури, ҳар бир атомда, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мужассам бўлган Олий Рух ва Худонинг Олий Шаҳси. Шундай қилиб, Мутлақ Ҳақиқатни уч хил нуктаи-назардан англаб етиш мумкин. Узоқ масофадан тоққа қарасангиз бир хил рангдаги кўк нарсани тасаввур қилишингиз мумкин. Яқинроқ боргандан кейин унинг қояларини, унда ўсаётган дарахтларни кўришингиз мумкин. Унинг тепасига чиқсангиз эса, унда қандай дарахтлар, майсалар ўсишини, қайси ҳайвонлар яшашини кўришингиз мумкин. Худди шундай Мутлақ Ҳақиқат ҳам бир, ягона, лекин уни ўрганаётган донишмандлар уни ҳар хил қабул қиладилар. Бу худди қуёш нури, қуёш сайёраси ва қуёш фариштасини ўрганишга ўхшайди. Қуёш нурлари остида туришни қуёш сайёрасида туриш билан бир деб бўлмайди. Агар қуёш сайёрасига борсак, биз жуда кўп нарсаларни билиб оламиз. Қуёш нури ҳамма жойни қамраб олган *брахмажйоти* билан, қуёш сайёрасини эса, - Параматма билан, қуёш фариштасини эса, - Худонинг Олий Шаҳси билан қиёслаш мумкин. Ер юзида ҳар хил тирик мавжудотлар яшайди, Ведавий муқаддас китобларнинг маълумотларига қараганда қуёш сайёрасида ҳам ҳар хил тирик мавжудотлар яшайди. Бизнинг танамиз асосан тупроқдан таркиб топган бўлса, Қуёшда яшайдиган тирик мавжудотларнинг таналари асосан оловдан таркиб топган.

Моддий оламдаги ҳамма мавжудотлар беш турдаги кўпол моддий унсурлардан таркиб топган: ер, сув, олов, ҳаво ва эфир. Ҳар хил сайёраларда яшаш шароити ҳар хил. Ҳар бир сайёрадаги ҳаёт шароити шу сайёранинг асосан қайси унсурдан таркиб топганига боғлиқ, унда яшайдиган тирик мавжудотларнинг танаси ҳам асосан шу сайёра таркиб топган унсурдан таркиб топган бўлади. Оламдаги ҳамма сайёраларда ҳаёт бир хил деб ўйламаслик керак. Моддий оламдаги сайёраларни бириктириб турадиган умумийлик шундан иборатки, уларнинг ҳар бирида қандай таркибда бўлса ҳам, мана шу беш хил моддий унсурлар мавжуд. Бир сайёрада ер(тупроқ) кўпроқ, бошқа бир сайёрада сув кўпроқ, учинчисидан - олов, яна бирида эфир, яна бирида ҳаво. Шунинг учун қайсидир сайёра асосан тупроқдан таркиб топмаган бўлса, таркиби бизнинг сайёрадан фарқ қилса, демак унда ҳаёт йўқ, деб ўйламаслик керак. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, моддий оламда сонсаноксиз сайёралар мавжуд ва уларда ҳар хил танадаги тирик мавжудотлар яшайди. Ҳар хил моддий усуллар

ёрдамида моддий оламдаги сайёраларга бориш мумкин бўлгани сингари, инсон ўзида руҳий сифатларни ривожлантириб, руҳий оламга, Худонинг даргоҳига эриша олади.

*йанти дева-врата деван
питри йанти питри-вратах
бхутани йанти бхутеджйа
йанти мад-йаджжано пи мам*

“Фаришталарга сиғинадиганлар фаришталар орасида туғилдилар; ажина, арвоҳларга сиғинадиган одамлар ана шундай ҳаёт турида қайта туғилдилар; ўтган аждодларига сиғинадиганлар аждодлари олдига равона бўладилар, Менга сиғинадиганлар эса, кейинги ҳаётида Мен билан яшайдилар”(9.25).

Олий сайёралар тизими(жаннат)га тушишга интилиб юрган одамлар бутун умри давомида шунга тайёрланишлари мумкин. Голока Вриндаванага, руҳий оламдаги Кришнанинг сайёрасига интилиб юрган кишилар эса, Кришнани англаб етиш орқали ўз мақсадига эришадилар. Ҳиндистонга бормоқчи бўлсак, биз у ерда бўлган одамлардан Ҳиндистон ҳақида гапириб беришларини сўраймиз, шу тарзда Ҳиндистон ҳақида айрим маълумотларга эга бўламиз. Худди шундай Парвардигор яшайдиган сайёра ҳақида ҳам биз муқаддас китоблардан билиб олишимиз мумкин. Биз у ерга ҳеч қандай моддий усуллар ёрдамида етиб бора олмаймиз. Бунинг иложи йўқ. Парвардигорнинг мангу сайёралари ҳақида Ведавий муқаддас китобларда жуда кўп маълумотлар берилган. Масалан, "Брахма-самхита"да шундай дейилган:

*чинтамани-пракара-садмасу калпа-врикша-
лакшавритешу сурабхир абхипалайантам
лакшми-сахасра-шата-самбхрама-севйаманам
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

“Мен илоҳий даргоҳ Шветадвинага сажда қиламан. Бу даргоҳда ўзларининг пок руҳий таналарида сонсаноксиз омад фаришталари, гопилар ягона Парвардигор Шри Кришнага ўзларининг ягона рафиқаси сифатида соф муҳаббат билан хизмат қиладилар. У даргоҳдаги ҳар бир дарахт - орзулар дарахти, ерлар - сеҳрли чинтамани гавҳарларидан тўшалган, оқадиган сувлар эса лаззатли шарбат сингаридир. У даргоҳда ҳар бир сўз - қўшиқ, ҳар бир қадам - ракс сингари жозибали. Парвардигорнинг сеvimли ҳамроҳи бўлган най ҳамшиша Унинг ёнида. Ҳар тарафдан таралаётган ёғду илоҳий лаззатга тўла ва ҳар қадамда нафис лаззатли руҳий мухит сезилиб туради. Сонсаноксиз сигирлар илоҳий сут уммонини ҳаёта этади. У даргоҳда ўтмиш ҳам, келажак ҳам мавжуд эмас. Мангу мавжудлик эса, бир дақиқага ҳам йўқолмайди. Голока деб аталадиган ана шу мангу илоҳий даргоҳ фақат илоҳий нигоҳ соҳиби бўлган камдан-кам зотларгагина маълумдир”.

Парвардигорнинг салтанати бошқа муқаддас китобларда ҳам таърифланган, аммо "Брахма-самхита"да у батафсил таърифланган.

Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиб юрган илоҳиёт одамлари ақли, тафаккури Мутлақ Ҳақиқатнинг қайси кўринишида мужассам бўлганига қараб бир неча тоифага бўлинадилар. Мутлақ Ҳақиқатни "шахсиятсиз Брахман" кўринишида ўрганиб юрган одамларни *брахмавади* деб атайдилар. Одатда Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга киришган киши аввало Уни *брахмажйоти* кўринишида англаб олади. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Параматмага, Олий Рухга мурокаба қилиб юрган

йогларни *параматмавади* деб атайдилар. Парвардигор Ўзининг тўлиқ экспансияси кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Худонинг ана шу қиёфасига муроқабга қилиш ёрдамида ҳам инсон Уни кўра олади. Параматма нафақат бизнинг қалбимизда, У ҳамма нарсада, ҳатто ҳар бир атомда ҳам бор. Параматмани англаб етиш - Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг иккинчи, анча юқорироқ поғонасидир. Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг учинчи, энг юқори поғонаси - *Бхагаван*, Худонинг Олий Шахсини англаб етиш ҳисобланади. Мутлақ Ҳақиқатни уч поғонада англаб етиш мумкин бўлгани учун, уни биргина умр давомида англаб етишнинг иложи йўқ. *Бахунам жанманам анте*. Энг бахтли, энг омадли инсонларгина бир лаҳзада, биргина умри давомида ана шу олий мақсадга эриша оладилар. Одатда Мутлақ Ҳақиқатни, Парвардигорни, Худонинг Олий Шахсини англаб етиш учун бир йил эмас, бир умр эмас, минглаб умрлар кетади.

ахам сарвасйа прабхаво маттаҳ сарвам правартате ити матва бхаджанте мам будха бхава-саманвитаҳ
“Мен - барча моддий ва рухий оламлар манбаиман. Ҳамма нарса Мендан чиққан. Мана шу ҳақиқатни англаб етган донишмандлар Менга садоқат билан хизмат қиладилар ва бутун қалби билан Менга сажда қилиб яшайдилар”(10.8).

"Веданта-сутра"да ҳам, Мутлақ Ҳақиқат - ҳамма нарсани яратадиган Зот эканлиги тасдиқланади. Агар биз ҳақиқатан ҳам "Кришна - ҳамма нарсанинг манбаи" эканига ишонсак, Унга сиғиниб юрсак, бир лаҳзада энг олий мақсадга эриша оламиз. Бунга шубҳа билан қарайдиган, ўз ақли билан буни яхшилаб ўрганиб, текшириб кўришни истайдиган одамлар эса, узоқ вақт овора бўлиб юрадилар. Ундай кишилар аввал шахсиятсиз Брахманни англаб етадилар, кейин Параматмани, шундан сўнг Худонинг Олий Шахси - Кришнани англаб етадилар. Бу жараён жуда кўп вақт талаб этишини тушуниш керак. Жуда кўп умрлар давомида олиб борган изланишлар натижасида ҳақиқий илмга эга бўлган донишманд киши Мутлақ Ҳақиқатни англаб етади ва аниқ хулосага келади: "Васудева - ҳамма нарсанинг ягона манбаи" - *васудеваҳ сарвам ити. Васудева* - Кришнанинг номларидан бири бўлиб, **“ҳамма жойда мавжуд Зот”** деган маънони англатади. Васудева бутун борлиқнинг манбаи эканини англаб етган киши Унга ўз ихтиёрини топширади (*мам прападийате*). Шундай қилиб, Худони бир зумда, жуда кўп умрлар давом этадиган изланишлардан кейин келадиган биргина умр давомида ҳам англаб етиш мумкин. Барибир **инсон ҳаётининг ягона, энг олий мақсади ўз ихтиёрини Худого бутунлай топшириш** бўлиб қолаверади. Барибир биз Парвардигорнинг улуғвор, чексиз қудратли эканини, ўзимиз эса, Унинг арзимас заррачаси сифатида ҳаммиша Унинг ҳукми остида эканимизни тан олишимизга, шу боис, барибир Унга ўз ихтиёримизни топширишимизга тўғри келади.

Шуни билиб олгандан кейин донишманд киши шунча умрлар вақти бекор ўтишини кутиб ўтирмай, дарров ўз ихтиёрини Худого топширади. Шартланган руҳларга жуда меҳрибон бўлган Парвардигор, агар инсон ўз ихтиёрини Унга топширса, унга рухий илм сирларини албатта ошкор этишини донишманд киши яхши билади. Бизлар барчамиз шартланган руҳлармиз ва моддий оламда уч турли азоб-укубатлардан изтироб чекиб яшаймиз. Шунинг учун Парвардигор бизга ўз ихтиёримизни Унга топшириш билан барча моддий азоб-укубатлардан халос бўла олиш имконини бериб қўйибди.

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: “Агар Парвардигор ҳар бир одамнинг ҳаётдаги энг олий мақсади бўлса, агар инсон барибир охир-оқибатда Унга ўз ихтиёрини топшириши лозим бўлса, нима сабабдан жаҳонда Худого сиғинишнинг ҳар хил турлари бор?” Бу саволга жавоб «Бхагавад-гита»нинг навбатдаги шеърда берилади.

*камаис таис таир хрита-жнанаҳ
прападийанте нйа-деватаҳ
там там нийамам астхайа
пракритйа нийатаҳ свайа*

“Моддий орзу-истаклар билан тафаккури булганган одамлар ҳар хил фаришталар паноҳига кириб, ўзларининг табиатига мос келадиган ҳар хил қонун-қондалар асосида фаришталарга сиғинадилар” (7.20).

Жаҳонда ҳар хил табиатли одамлар бор, улар ҳар хил тоифага мансуб бўлиб, ҳар хил таркибдаги моддий табиат гуналарининг аралаш таъсири остида яшайдилар. Одатда одамларнинг аксарият кўпчилиги моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интиладилар. Агар улар қандайдир рухий машғулотлар билан шуғулланиб юрсалар ҳам, барибир бундан бирор моддий, дунёвий мақсадни кўзлайдилар. Ҳиндистонда одамлар кўпинча авлиё садхуларнинг, свамиларнинг олдига келиб, ундан шундай илтимос қиладилар: *“Свамижи, илтимос, менга бирор дори беринг. Касалим менга жуда азоб берапти!”* Уларнинг фикрича, врачларга бориб даволаниш қиммат туради, авлиё одамлар эса, ҳеч қандай пул олмасдан мўъжиза кўрсатишга қодир бўладилар. Ҳиндистонда ҳар хил одамларни учратиш мумкин. Уйма-уй юрадиган шундай свамилар ҳам борки, улар: “Менга бир грамм олтин беринг, мен уни юз граммга айлантириб бераман!” - деб айтадилар. “Менинг беш грамм олтиним бор, - деб ўйлайди содда одам. - Агар мен уни свамига берсам, ярим кило олтинга эга бўламан!” Свами эса, шундай гаплар билан содда одамларни алдаб, қишлоқда бор олтинларнинг ҳаммасини йиғиб олиб ғойиб бўлиб қолади.

Мана шу бизнинг асосий касалимиз: биз табаррук авлиё одам - свамининг олдига, эҳромга ёки масжидга борганимизда қалбимиз ҳар хил дунёвий орзу-истакларга тўла бўлади. Биз рухий ҳаётдан моддий фойда кўришни истаймиз, йога билан ҳам фақат саломатлигимизни тиклаб олиш учун шуғулланамиз. Агар соғлом бўлишга интилаётган бўлсангиз, сизга йоганинг нима кераги бор? Оддий жисмоний машқлар ва тўғри парҳез ёрдамида ҳам саломатликни тиклаб олиш мумкин-ку! Сизга йоганинг нима кераги бор ўзи? *Камаис таис таир хрита-джнанаҳ*. Бизга қалбимиздаги ҳар хил орзу-истаклар тинчлик бермайди, биз фақат соғлом бўлиш учун, ҳаётдан лаззат олиб яшаш учунгина эҳромга борамиз: шу тариқа Худони ўзимизнинг истакларимизни амалга оширувчи югурдакка айлантириб қўймоқчи бўламиз.

Ҳар хил дунёвий истаклар хуружи остида одамлар фаришталарга сиғина бошлайдилар. Улар моддий олам тутқунлигидан қандай қилиб бира тўла қутулиб кетишни билмайдилар, шунинг учун ҳаётда иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишга ҳаракат қиладилар. Ана шундай одамлар учун Ведалар адабиётида турли хил кўрсатмалар берилган. Масалан, касалидан даволанишни истаган киши Қуёшга сажда қилиши керак; яхши йигитга эрга чиқишни истаётган қиз маъбуд Шивага сажда қилиши лозим; чиройли кўринишга эга бўлишни истаётганларни орзусига етказадиган ҳам фаришта бор, билимдонлиги билан шуҳрат қозонишни истайдиган

одам фаришта Сарасватига сажда қилиши керак. Шунинг учун ҳам ғарбий давлатлардаги одамлар "Ҳиндистонда кўпхудо-лик дини тарғибот қилинади, улар ҳар хил худоларга сиғинадилар" деб айтадилар. Аслида эса, улар ягона Худога эмас, ҳар хил фаришталарга сиғинадилар. Фаришталарни Худо билан, яъни, ягона Парвардигор билан бир деб ҳисобламаслик керак. Худо, **Парвардигор - битта, ягона, лекин фаришталар кўп**, ҳатто, худди одамларга ўхшаган оддий фаришталар ҳам бор. Уларнинг одамлардан фарқи шундаки, уларга бизга караганда анча каттароқ қудрат, ҳокимият ато этилган. Ер юзидан ҳам ҳар хил қироллар, президентлар ва диктаторлар бор. Улар ҳам худди бошқалар сингари оддий одамлар, фақат уларнинг кўлида катта ҳокимият, қудрат бор, шу боис уларнинг паноҳига кириб, уларнинг ҳокимлигидан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланиш учун биз турли йўллар билан уларга сиғинамиз. Лекин «Бҳагавад-гита» фаришталарга сиғинишни қоралайди.

Юқоридаги шеърда аниқ айтилганки, фаришталарга сиғинадиган одамлар дунёвий орзу-истаклар, эҳтирос (*кама*) таъсири остида юрган одамлардир.

Бу дунёда ўтадиган моддий ҳаёт бутунлай эҳтирос таъсири остида бўлади. Биз бу дунёда лаззатланишни истаймиз, шунинг учун дунёвий ҳаётни севамиз, чунки сезгиларимизнинг талабини қондириб, улар орқали лаззатланишга интиламиз. Шаҳвоний ҳирс - бизнинг Худога бўлган муҳаббатимизнинг бузилиб кўринган аксидир. Аслида, азалдан биз Худони севиш учун яратилганмиз, аммо Уни эсдан чиқариб, қалбимиздаги севишга бўлган интилишни, меҳр, муҳаббат туйғусини бошқа, моддий нарсаларга қаратиб юрибмиз. Биз табиатимизга кўра албатта кимнидир севамиз - ё Худони, ё бирор моддий танани. Биз ҳеч қачон қалбимиздан севишга бўлган интилишни бутунлай чиқариб ташлай олмаймиз. Бола-чақаси йўқ одамлар кимни севишни билмасдан бирор ит ёки мушук топиб, уни севиб, меҳр билан парваришлаётганини ҳар қадамда учратиш мумкин. Нимага? Чунки севишга бўлган истак ва эҳтиёж бизнинг табиатимизда азалдан мавжуд. Аслида кимни севишни билмаганимиздан, севишга арзигулик муносиб Зот топа олмаганимиздан биз ўзимизнинг ана шу илоҳий туйғумизни, меҳр-муҳаббатимизни ит ва мушукларга қаратамиз. Муҳаббат, севиш туйғуси қалбимизда ҳамisha мавжуд, аммо моддий нарсаларга аралашиб бузилган ҳолатида у шаҳвоний ҳирсга айланади. Қондирилмаган шаҳвоний ҳирс ғазабга айланади, ғазаб алданишга олиб келади, алданиш домига тушган одам эса, моддий оламда дунёвий ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Ҳозир бизлар айнан ана шундай ҳолатдамиз, шунинг учун биз бу жараёни тескари равишда ривожлантириб, шаҳвоний ҳирсни асл пок холига - илоҳий муҳаббатга айлантиришимиз лозим. Агар биз Худони сева олсак, табиий равишда, ўзидан ўзи барча тирик мавжудотларни ҳам сева бошлаймиз. **Худони сева олмайдиган киши ҳеч кимни севишга қодир эмас.** Биз ўзимиздаги қандайдир юзаки, нопок туйғуларни, сезгиларни "муҳаббат" деб аташимиз мумкин, лекин аслида, бу туйғуларнинг ҳаммаси чиройли, жимжимадор, баландпарвоз сўзларга ўралган шаҳвоний ҳирсдан бошқа нарса эмас. Ана шундай ҳирснинг, эҳтироснинг қули бўлган ҳолда одамлар бутунлай ақлдан озиб қоладилар: *камаис таис таир хрита-жнанаҳ*.

Муқаддас китобларда фаришталарга сиғиниш ҳақида жуда кўп кўрсатмалар бор, нимага Ведаларда фаришталарга сиғиниш тавсия этилган, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, одамларнинг ўзида

шунга эҳтиёж бор. Шаҳвоний эҳтирос домига тушиб қолган одам кимнидир севишни истайди, фаришталар эса, маълумки Парвардигорнинг бу оламдаги вакиллари. Агар одам ихлос билан бирор фариштани тан олиб, унга сиғина бошласа, вақти келиб у ўзининг қалбида Кришна онгини уйғота олади. Аммо бу дунёда ўзидан бошқа ҳеч кимни тан олмайдиган, ғофиллик ботқоғига ботган иймонсиз, ашаддий атеист қачондир Худони англаб етишига умид қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, олий ҳукмдорга сиғинишни Унинг вакиллари бўлган фаришталарга сиғинишдан бошлаш мумкин.

Аммо, агар биз бирданига бевосита Худонинг шахсан Ўзига, ягона Парвардигорга сиғина бошласак, фаришталарга сиғиниб юришнинг мураккаб ҳолати бўлмай қолади. Худонинг Олий Шаҳсига сиғиниб юрган киши албатта фаришталарга ҳам хурмат-этиром кўрсатади, аммо у уларга ягона Парвардигор сифатида сажда қилмайди, чунки Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор - барча фаришталарнинг ҳам ҳукмдори эканини билади, шунинг учун ҳақиқатни англаб етган кишилар фақат ягона Парвардигорга сиғинадилар, фақат Унга хизмат қиладилар. Лекин, Худонинг содиқлари ҳар қандай ҳолатда ҳам фаришталарга чуқур хурмат-этиром кўрсатадилар. Ҳатто чумолига ҳам хурмат билдирадиган Худонинг содиқлари Худонинг вакиллари бўлган фаришталарга хурмат билдирмасинми? Худонинг содиқ хизматкори биладики, барча тирик мавжудотлар Худонинг ажралмас бир заррачалари, улар ҳозир моддий оламда ҳар хил вазифаларни бажариб юрибдилар.

Ҳар бир тирик мавжудотга хурмат билан қараш керак, чунки уларнинг ҳар бири алоҳида руҳ сифатида Парвардигор билан боғланган. Шунинг учун Худонинг содиқлари, вайшнавлар ҳар бир кишига *прабху* деб мурожаат қиладилар. *Прабху* ибораси "Ҳукмдорим" деган маънони билдиради. Камтарлик - Худонинг содиқларига хос бўлган асосий фазилатлардан бири. Худонинг содиқлари ҳаммага меҳрибон, раҳмдил ва итоаткор бўладилар, улар барча эзгу фазилатларга эга бўлган буюк инсонлардир. Шундай қилиб, инсон Худонинг содиқ хизматкори бўлганида унинг табиатида фаришталарга хос бўлган барча эзгу фазилатлар ўзидан-ўзи ривожлана бошлайди.

Тирик мавжудот табиатида кўра мукамал қилиб яратилган, аммо шаҳвоний эҳтирос таъсири остида у тубанликка юз тутаяди. Худди олтиннинг зарраси ҳам барибир олтин бўлгани сингари, Тўла Бутуннинг ҳар қандай зарраси ҳам тўла бутун, мукамалдир.

*ом нурнам адаҳ нурнам нурнат нурнам удачыате
пурнасия нурнам адайя нурнам эвавашишияте*

"Ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси, ҳар томонлама мукамал, У мутлақ ва мукамал Зот бўлгани учун Ундан чиқадиган ҳамма нарса, масалан, намён бўлган моддий олам ҳам ҳар томонлама мукамал, чунки ўзига тўла бутундир. Тўла Бутундан чиққан ҳамма нарса тўла бутун бўлади. Мутлақ Ҳақиқат Тўла бутун бўлгани сабабли, гарчи Ундан шунча тўла бутун нарса ажралиб чиқса ҳам, Унинг Ўзи барибир Тўла Бутунлигича қолаверади"(Ишопанишад 1).

Моддий унсурлар билан аралашиб, булғаниб, мукамал тирик мавжудот, жуда кичик руҳий заррача бўлгани туфайли, ўзининг мукамаллик сифатини йўқотади, тубанликка юз тутаяди, аммо Кришнани англаш, яъни, ҳаётда Кришна онги билан яшаш жараёни унинг покланиб яна ўзининг аввалги мукамал ҳолатига қайтишига ёрдам беради. Худони англашнинг мана шу усули бизга шу ҳаётнинг ўзидаёқ мукамал,

хақиқий бахтга эришиш имконини беради. Ҳаётда Кришна онги билан бахтиёр яшаб юрган киши эса, умрининг охирида танасини тарк этгандан кейин илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт хукм сурадиган Худонинг даргоҳига эришади.

Қуръон оятларидан

Бақара сураси

28. Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирганидан кейин Ўзига қайтажагингиз - Аллоҳни қандай инкор қиласиз-а?

97. Зеро, у(Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўздан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушxabар бўлган "Қуръон"ни нозил қилди.

136. Айтингиз, Аллоҳга ва бизга нозил қилинган китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исога берилган нарсаларга ва барча Пайғамбарларга Парвардигор томонидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз у Зотга бўйинсунувчилармиз.

170. Қачон мушрикларга: "Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз!" дейилса, улар: "Йўқ, бизлар оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз" - дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақлари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар ҳам-а?

200. Оллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттиқроқ эсланг!

212. Куфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаёт дунё чиройли қилинди. Улар иймон эгаларининг устидан куладилар. Ҳолбуки, киёмат кунида тақводор зотлар улардан баланддир.

Ол и Имрон сураси

14. Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилиб қўйилди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёт дунёнинг ўткинчи нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса, энг гўзал, қайтадиган жой - жаннат бордир.

15-17. Айтинг: "Сизларга булардан яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Тақводор кишилар учун Парвардигор ҳузурида улар абадий қоладиган, тағларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар, покиза жуфтлар ва Аллоҳнинг ризолиги бор.

19. Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин - фақат Ислом динидир.(Ислом иборасининг маъноси "бўйсунуш" деганни билдиради).

20. Агар сиз билан дин ҳақида тортишсалар: "Мен ва менга тобеъ бўлган кишилар ўзимизни Аллоҳга топширдик. Унга бўйсундик" - деб айтинг!

32. Айтинг: "Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!" Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Аллоҳ динсизларни севмас.

84. "Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигор томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунувчилармиз" - деб айтинг.

85. Кимда-ким Ислом(Худонинг қонунларига бўйсунуш)дан ўзга дин истаса, бас ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир.

91. Албатта кофир бўлган ва кофир ҳолда ўлган кимсалар, агар улардан биронтаси ер юзи тўла олтинни бадал қилиб берса ҳам, ҳаргиз қабул қилинмас. Ундай кимсалар учун аламли азоб бордир. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас.

92. Ўзингиз севган нарсаларингиздан инфоқ-эхсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка етмагайсиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ-эхсон қилсангиз, албатта Аллоҳ билур.

179. Аллоҳ мўминларни ҳозир сизлар бўлган мана шундай ҳолатда ташлаб қўйгувчи эмас. Ҳали У нопокни покдан ажратади. Аллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Аллоҳ пайғамбарлардан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур ва уни ғойибдан огоҳ қилур.

195. Ва энг гўзал савоб-мукофот Аллоҳнинг ҳузуридадир.

198. Яхшилар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарса афзалроқдир.

Нисо сураси

13. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ҳаёт бахш этар. Ва бу катта зафардир.

Мундарижа

1. Ҳақиқий бахтга эришиш йўли.....	3
2. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида удони англаш.....	10
3. Қандай қилиб ҳамма жойда Худони кўра олиш мумкин.....	21
4. Донишмандларнинг ва нодонларнинг танлаган йўллари.....	33
5. Худога, бахт манбаига интилиб.....	45
Қуръон оятларидан.....	57